ТЕПАДАН КЎРСАТМА ШАРТ ЭМАС

— Мухбирлар бизга кўп келишади, — деди М. Саримсоқов норози оҳангда — Бизга тепадан кўрсатма керак. Вилоят ҳокимлиги рози бўлса, марҳамат, сизга хоҳлаган маълумотни берамиз. Сиз аввало вилоят ҳокимлигининг матбуот котибига учрашинг. Улар рухсат берса келасиз.

— Матбуот котиблиги лавозими қисқариб кетган-ку.

— Ҳа, биламан. Унда ҳоким муовини Ботир Тўраевга учрашинг. У киши рухсат берса келасиз.

2-бет

МАҚСАД — ИККИ ХАЛҚ ДЎСТЛИГИ

— Менинг эътиқодим — ҳалол ва пок яшаш, фақат ёшлар билан олдга интилиш эмас, балки олдинда кетаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга ёрдам бериш, уларга тўғри йўл кўрсатишдан иборатдир...

3-бет

ОҒРИНГАН ТЎП ОҲАНГИ

Дарвоқе, Ахбор аканинг тўғрисўз ва ҳалоллигини алоҳида таъкидлаш лозим. У киши илгари ҳам, ҳозир ҳам спортда, футбол учрашувларида ҳалоллик бўлиши учун қайғуради.У киши илгари ҳам, ҳозир ҳам спортда, футбол учрашувларида ҳалоллик бўлиши учун қайғуради. "Келишилган ўйинлар сабаб баъзан футболдан кўнглим совийди. Ўйиндан олдин қайси жамоанинг ютишини ва ҳатто кимлар гол уришини билиш мухлисни футболдан бездиради", дейди у.

4-бет

Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan E-mail: hurriyat@yandex.ru № 7 (469) 2006-yil 22-fevral

«HURRIYAT»га 2006 йил учун обуна йил бўйи давом этади

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!

Нашр кўрсаткичи — 233

Тахаюл

ЭЗГУЛИККА ҚЎЙИЛГАН ҲАЙКАЛ

ёки истиқлол фалсафаси

...Ғарб услубида қурилган бино. Бинонинг олд тарафи кенг майдон. Майдоннинг ўртасида "кимдир" ўнг қўлини самога пешлаб турибди. Анча беридаги ўриндиқда дўппи кийган одамлар ўтирибди. Сурат тагига "60-йиллар" деб ёзилган. Яна ўша майдон, бинолар сони кўпайган. Яна ўша "кимдир"нинг қўллари самога пешланган. "70-йиллар". Учинчи сурат юқоридан олинган, яхлит майдон манзараси, иморатлар хийла кўп. Қўлини самога пешлаган "кимдир" узоқдан элас-элас кўзга ташланади — "80-йиллар". Янги Сенат бинои — оппоқ. Унинг олд томонидаги майдон — ям-яшил. Суратга "2005 йил" деб ёзиб қўйилган. Кўзимизни майдонга кираверишдаги расмлар тахтасидан оламиз. Сенат шундоқ чап томонда кўриниб турибди. Берирокдаги бинода таъмирлаш ишлари кетмоқда. Ўнг тарафимиз боғ. Тўғрида эса энди қўлини самога пешлаган "кимдир"нинг ҳайкали... эмас ер шарининг нусхаси, унда Ўзбекистон сарҳадлари алоҳида ажратиб кўрсатилган. Худди курраи заминни суяб тургандай, "Бахтиёр Она" ўтирибди. Фарзанди олдида, онанинг кўзларида самимият, меҳр жилоланади.

Фаҳмлаганингиздек, газеталарда "Ватанимиз юраги" деб аталаётган Мустақиллик майдонидамиз.

* * *

Инсон табиатан қадр истайди, қадрлайди... Кўпгина ўзбек оилалари уйларининг тўрига ота-онасининг суратини осиб қўйишади. Ота-онага бўлган меҳр ҳар бир оила учун муштарак туйғу. Шу тариқа бутун бир миллат учун умумий бўлган орзулар, туйғуларни ўзида мужассамлаштирган рамзлар азал-азалдан аҳоли тўпланадиган майдонларга ўрнатилган.

Масалан, Қадимги Римда "Она бўри"га ҳайкал қўйилган бўлса, Чингизхон ўтови олдида тошдан йўнилган тошбақа (!?) доим турганлиги ҳақида тарих гувоҳлик беради. Шу каби қизиқарли маълумотларни ўтмишдан истаганча топиш мумкин. Лекин бундай монументларни бирлаштириб турувчи умумий нуқта муайян халқнинг каттаю кичиги учун бирдай эъзозли бўлишидир.

Мана, қаршимизда, мамлакатимизнинг Бош майдонида "Бахтиёр Она" тимсоли.

Она... Тилимизнинг илк пайдо бўлган сўзларидан бўлса ажаб эмас. Ана шу уч товуш йиғиндисини эшитганда хаёлдан не-не ўйлар кечади — ибтидодан интиҳогача ҳамма нарса... Монумент неча минг йиллардан бери жаҳон тафаккур гулшанида юксак мавқени эгаллаб келаётган "Авесто"ни ёдга солади. **«Ахурамазда жавоб берди: ... Аёл ва фарзандлари сарсон ва саргардон юрадиган ер энг ёмон заминдир... Хотин ва фарзандлари фаравон яшаса, ... ўша манзил муҳтарамдир».** Бу факт аждодларимиз аёлларни, оналарни беш юз, минг йил эмас инсоният ибтидосидан буён қадрлаб, улуғлаб келаётганини билдиради. Демак, "Бахтиёр Она" тимсолида биз халқимизнинг бугунги ва ўтмишдаги қадриятлари ва келажакдаги орзулари уйғунлашувини кўришимиз мумкин.

Нитше ёзади: "Сен ўзингни озодман, дейсан? Сенинг ҳукмрон фикрингни эшитмоқчиман мен, гарданингдаги жабр-зулмни қандай қилиб улоқтириб ташлаганингни эмас... Ўзининг қуллигидан қутилиб, сўнгги қадриятларидан ҳам ажралиб қолганлар оз эмас.

Нимадан озод? Бу билан Зардуштнинг нима иши бор! Сенинг тиниқ қарашларинг менга айтиши лозим: нима иш қилиш учун озодсан?" Файласуф айтмоқчики, озодлик мақсадсиз бўлиб қолмаслиги лозим.

Кечаги кун, 15-20 йил олдин ўзбекистонликлар учун мустақиллик мақсад эди. Бугун эса воситага айланди, яъни эзгу мақсадларни амалга ошириш учун бир восита бўлиб хизмат қилмоқда. Ахир қарам бўла туриб ўз мақсадларинг ҳақида гапириб бўларканми?!



Мустақиллик ва эзгулик монументи олдида нега бу фикрлар ўтмоқда хаёлдан?! Ахир Нитшенинг фалсафий саволига мана шу рамзлар жавоб бўла олмайдими? Ана, ер шарида биз-нинг ўз сарҳадларимиз, тупроғимиз, сувимиз... бор. Бари Ўзимизники — мустақилмиз. Хўш, нима учун мустақил? Оналари доимо бахтиёр яшайдиган, фарзандлари она бағрида қувнаб, униб ўсадиган, мусаффо осмонида эзгулик ва тинчлик элчилари — турналарнинг "қур-қур"и эшитилиб турадиган жамият қуриш учун озодмиз...

* * *

Осмоннинг таги бўзариб келяпти. Заминга қоронғулик тушмоқда. Худди кечани ҳам кундузга айлантирмоқчидай чироқлар биринкетин ёна бошлади.

Оппоқ бино — Сенат. Бахтиёр она сари элтувчи йўлак — оппоқ. Кумушдай оқ эзгулик аркаси, учишга чоғланган оппоқ турналар... Ним қоронғуликда майдонни нурга чулғаб турган оппоқ чироқлар... Оппоқ орзулар — халқимизнинг орзулари.

Фаррух ЖАББОРОВ

Репортаж

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида 17 февраль куни "Телерадиоэшиттириш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Қизғин баҳс-мунозаралар остида ўтган йиғилишда депутатлар, қонун ижодкорлари ва мутахассислар иштирок этди.

"ТЕЛЕРАДИОЭШИТТИРИШ"МИ ЁКИ "ТЕЛЕКЎРСАТУВ ВА РАДИОЭШИТТИРИШ?"

Ушбу қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2005 йил 10 мартдаги қарори билан тасдиқланган "Жамиятни демократлаштириш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури"ни амалда бажариш мақсадида, оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада демократлаштириш борасидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш консепциясининг 5-бандига мувофиқ Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан тайёрланган. Мазкур 6-бўлим 34 та моддадан иборат қонун лойиҳаси телерадиоэшиттириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилгандир. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур қонун дунё амалиётида кам учрайдиган, бизда эса умуман кузатилмаган ҳолатдир. Шу боис, йиғилишда сўз олган депутат Абдурашид Жўрабоев, мазкур қонун консепцияси тўлиқ ва аниқмаслиги, рус тилидан ўзбек тилига қилинган таржимаси тушунарсизлиги, 7,9,10-моддаларда телерадиоташкилотларнинг ташкилий ва ҳуқуқий жиҳати аниқмаслиги ва 14-моддада телерадиоташкилотларини рўйхатдан ўтказишда қандай ҳужжатлар кераклиги кўрсатилмаганлиги сабабли қонун лойиҳасини қонун ижодкорларига қайтариш кераклигини таъкидлаган бўлса, филология фанлари доктори, профессор Бойбўта Дўстқораев, ушбу қонунга зарурат бор, аммо, таянч ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиши лозим. Консепция ҳам аниқ ва лўнда бўлиши керак. Қолаверса, бу қонун 99 фоиз бурч, бир фоиз ҳуқуқдан иборат — дея ўз фикрини билдириб ўтди. ЎзМУ профессори Анвар Каримов "Телекўрсатув" ва "радиоэшиттириш" терминининг ўзбек тилида қўлланила бошлаганига 40 йилдан ошди. Нега 40 йил ишлатган терминимиз ўрнига "телерадиоэшиттириш" дея, бузуқ жумлани ишлатишимиз керак. Бундан ташқари, бир қанча моддаларини қайта кўриб чиқиш лозимлигини айтиб ўтди. Ушбу қонун давлат манфаати учун хизмат қилишини таъкидлаган профессор Файзулла Мўминов, дунё амалиётида ижодий фаолиятга лицензия бериш кам учрайди. Нодавлат телерадиокомпанияларнинг монополия сифатидаги фаолиятига ҳам маълум чекловлар мавжуд. Масалан, Германия қонунчилигида хизмат кўрсатиш ҳудуди 30 фоиздан ошмаслиги кўрсатилган, ваҳоланки, амалиётда 17 фоиздан ошмайди, — дея ўз сўзини якунлаган бўлса, киноишунос Ҳамидулла Акбаров, аввал Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг консепцияси ишлаб чиқилиши, кейин уларни асос қилиб олиб мазкур қонун лойиҳаси яратилиши лозимлигини ҳамда "ҳужжатли фильм", "телевизион кино" термини ўрнига "Техноген санъати" терминини киритиш кераклигини айтиб ўтди.

Қонун лойиҳасини 1-ўқишга киритиш ёки қайтариш масаласи очиқ қолди. Муҳокама давом этмоқда.

Бунёд АБДУЛЛАЕВ

Премьера

"МУҲАББАТГА БУРКАНСИН ОЛАМ"

Жиззах шаҳридаги Юнус Ражабий номидаги мусиқали драма ва комедия театрида "Муҳаббатга буркансин олам" видеофильмининг тақдимоти бўлиб ўтди. У Жиззах шаҳар телевидениесида тасвирга олинган. Видеофильмда журналистларнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади.

Газета мухбири Элдор хизмат сафари билан тоғли туманга борганида дўстининг хонадонида меҳмон бўлади. Ва тасодифан табиатга қирон келтираётган овчиларга рўбарў келади. Овчилар орасида ўзининг бўлажак қайнотасини кўргач, қизиқ ҳолатга тушиб қолади. Шаҳарга қайтиб келгач, фельетон ёзиб, чоп эттиради. Ва бу фельетон кўп нарсани ўзгартириб юборади...

Вилоят ҳокимлигининг матбуот маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Жиззах вилояти бўлими, "Қалам" клуби, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Жиззах вилояти бўлими, Дўстлик ва Бахмал туманлари ҳокимликлари, Жиззах тумани халқ таълими бўлими ҳамкорлигида ишланган видеофильмдаги асосий ролларни вилоятнинг таниқли санъаткорлари билан биргаликда олий ва ўрта-махсус ўқув юртларининг талабалари ижро этишди.

Журналист Норбой Жиянов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Жўра Исроиловнинг айтишига қараганда, "Муҳаббатга буркансин олам" видеофильмини умумтаълим мактаблари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, маҳалла, ташкилот, корхона ва муассасаларда ҳам намойиш этилиши кўзда тутилган.

Раҳматулла ЮНУСОВ

"АТИРГУЛ" танловига марҳамат!!!

Азиз ижодкор дугоналар!

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишга қаратилган вазифалар босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Журналист хотин-қизлар ҳаётимизнинг жўшқин лаҳзаларини қаламга олиб, муаммолар ечими ҳақида ўйламоқдалар.

Халқимизга манзур бўладиган, юртимиз келажагини мадҳ этадиган бадиий-публицистик, таҳлилий асарлар кўпайса, маънавий бойлигимиз юксалади. Зеро, "Атиргул" танловининг мақсади айнан шунга қаратилган.

Танловда республикамизнинг барча оммавий ахборот воситаларида ишлаётган ҳамкасб дугоналаримиз иштирок этишлари мумкин. Танловга ОАВда (жумладан, радио ва телевидениеда) 2005 йил мобайнида эълон қилинган ижодий ишлар тақдим этилади. Материаллар 2006 йилнинг 1 мартига қадар қабул қилинади. Голиблар 8-Март Халқаро хотин-қизлар куни арафасида аниқланади.

Танловга марҳамат!

Голиблар қимматбаҳо совғалар ва мукофотлар билан тақдирланадилар.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги "Журналист аёллар клуби".

Манзилимиз: ***700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30 уй.***

Телефонлар: ***144-37-87, 144-69-65***

МММда

ДАВРА СУҲБАТИ

Маълумки, Президентимизнинг "2005/2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасидаги Олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги Қарорининг 3-бандида жорий ўқув йилидан бошлаб ЎзМУ ҳузуридаги умумий қабул квотаси 60 кишидан иборат икки йиллик махсус Олий журналистика курсини очиш кўрсатилган эди. Ўтган вақт мобайнида Қарорнинг ушбу банди тўлиқ амалга оширилиб, бугунги кунда Олий журналистика курсида 94 нафар талаба таҳсил олмоқда.

Яқинда Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган давра суҳбатида мазкур курс талабалари ва ўқитувчилари ҳамда тегишли вазирлик ва ташкилотлар вакиллари қатнашишди. Унда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов сўзга чиқиб, мазкур курснинг келажакда жамиятда тутадиган ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталган бўлса, "Халқ сўзи" газетаси бош муҳаррир ўринбосари Шуҳрат Жабборов талабалар билан бўлган учрашувда журналистиканинг янги қирраларини ўзида кашф этгани ва улар орасида турли соҳа мутахассислари борлиги қувонарлигини таъкидлаб ўтди. Ўзбек журналистикасида анча вақтдан бери муаммо бўлиб келаётган ихтиосослашув тўғрисида тўхталган "Маърифат" газетаси бош муҳаррири Ҳалим Саидов талабаларни ижодий фаолликка чорлади.

Шундан сўнг, талабалар ҳам ўзларини қийнаб келаётган муаммоларини билдириб, атрофлича жавоб олдилар.

МУХБИРИМИЗ

Аҳвол

ТААССУФ!

ёхуд ҳокимнинг ўғли ҳаммадан устунми?

Ишдан қайтиб келсам мактабнинг биринчи синфига борган неварам мени хушламайгина кутиб олди.

— Нима бўлди, сенга, — дея сўрадим.

— Қорним... оғрияпти, — деди маъюсланиб.

— Нима егандинг мактабда?

— Мана бу нарсани, — дея у ўқувчилар сумкасидан чиройли қадоқланган пакетни олиб кўрсатди.

Диққат билан разм солдим. Унда "Новинка!" деган ёзув кўзга ташланиб турарди. Номи "Три корочек" экан. "Со вкусом грибов" деган жумлани ҳам ўқидим пакетда.

— Укамнинг ҳам ичи оғриди, — деди неварам синглисини кўрсатиб. — У ҳам шундан еган эди.

Бу пакетда қадоқланган озиқ-овқат маҳсулотини обдон кўздан кечирдим. У қуритилган нонга ҳам, майда печеньега ҳам ўхшаб кетар экан. Ундаги ёзувларга қараганда бу маҳсулот кўшни Қозоғизтон республикасида ишлаб чиқарилган ва унинг истеъмол қилиш муддати аллақачон ўтиб кетган экан. 6 ой бўлибди муддати ўтиб кетганига. Бу ҳол мени ўйлантириб қўйди. "Буни текшириб кўриш керак" деган фикрга бордим. Эртасига эрталаб Урганч шаҳар давлат санитария-эпидемология назорати марказига йўл олдим. Бош врач ўринбосари Бахтиёр Зарипов билан учрашиб, воқеани унга баён қилдим. У дарҳол бир врачни менга ҳамроҳ қилиб юборди. Неварам ўқийдиган 3-ихтисослашган мактаб буфетига етиб келганимизда савдо авжига чиққан экан. Бу жойни буфет деб ҳам бўлмайди, аслида. Мактаб таъмирланаётганлиги туфайли торгина даҳлиз мослаштирилиб буфетга айлантирилган экан. Қўшни 8-мактаб ошхонасида тайёрланган турли озиқ-овқат маҳсулотлари бу ерга келтирилиб болаларга сотилаётган экан. Шуниси ажабланарлики, бу ерда ўқувчиларга юқорида номи тилга олинган "Три корочки" каби қаерда ишлаб чиқарилганлиги, сифатининг тайини йўқ маҳсулотлар ҳам сотувга қўйилган экан. Масалан, "Чупа-чупс" конфетлари, "Канд" шоколади, котлетли хот-дог каби маҳсулотлар сотилаётган экан. Хот-дог учун сабзи чимчи тайёрланиб хона ҳароратида сақланган. Маҳсулотларни сақлаш учун шароит йўқ. Улар тўғридан тўғри ерда сақланган. Стаканлар ва бошқа идишларни ювиш учун водопровод суви йўқ. Юзлаб ўқувчилар овқатланиб ичимлик ичадиган жойда бор йўғи тўртта стакан бор экан, холос.

Бу ерда тиббий кўрикдан ўтмаган М. Ўразметов исмли йигит савдо қилаётганлиги аниқланди. Маҳсулотларни сақлаш учун совутгич ўрнатилмаган.

— Нега муддати ўтган, сертификати бўлмаган маҳсулотлар сотилаяпти, уларни истеъмол қилишга умуман рухсат қилинмайди-ку, — сўради врач Г. Демесова йигитдан.

У сукут сақлади.

Ана шу маҳсулотларни тишга рухсат берган 8-мактаб ошхонаси бош ошпази Д. Қобулова айбига иқрор бўлди. Шаҳар давлат санитария-эпидемология назорати бош врачининг қарорига асосан у Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида"ги кодекси тегишли моддасига биноан 18 800 сўм жарима билан "сийланди".

Эҳтимол, шу билан ҳуқуқбузарлик бартараф этилиб, айбдор тегишли жазога тортилганлиги боис бу масалага нуқта қўйса ҳам бўларди. Аммо бундай кўримсиз ҳоллар шаҳардаги бошқа мактаблар ошхоналарида ҳам содир бўлаётганлиги, ана шу иш устидан назорат ўрнатишга масъул бўлган раҳбарнинг нуқсонлардан кўз юмганлиги, болалар соғлиги билан ўйнашаётганлиги бу мавзуни ёритишга ундади.

Урганч шаҳар давлат санитария-эпидемология назорати маркази бош врачи Б. Норметовнинг бизга берган маълумотига кўра, 2005 йилда шаҳардаги 22-мактаб, 13-мактаб, 10-мактаб ошпазлари Б. Рўзметов, Б. Матёқубова, М. Каримовалар санитария-гигиена талабларини бузганлиги учун жаримага тортилганлар. 10-22-мактаб ошхоналари эса талабга жавоб бермаганлиги учун вақтинча уларнинг фаолияти тўхтатиб қўйилган. 26-мактаб буфетчиси Қ. Қодиров санитария қоидаларини бузганлиги учун иш фаолияти вақтинчалик тўхтатиб қўйилган. Бундай мисоллар талайгина.

— Сиз раҳбарлик қилаётган ташкилотга қарашли мактаб ошхоналарида истеъмолга яроқсиз, сертификатсиз, сотилиши ман қилинган маҳсулотлар сотувга қўйилган экан, наҳотки бехабар бўлсангиз, — деган саволимизга Урганч шаҳар умумий овқатланиш ва мева-сабзавот тайёрлов харид савдо масъулияти чекланган жамият раиси Ҳамро Ўтамов осмондан келиб жавоб берди:

— Сизнинг нима ишингиз бор бу билан, сизга ким ҳуқуқ берди текширишга, қани қўлингиздаги буйруқ, — деди у ўдағайлаб.

Журналист текширувчи ташкилот ходими эмас, балки оммавий ахборот воситаси вакилидир, у мамлакатимизнинг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонуни асосида ахборот олишга ҳақли, дея раисга тушунтиришга ҳаракат қилдим. Аммо у ахборот бериш у ёқда турсин, ҳозир буйруқни кўрсатасиз ёки маълумот олиш учун хат келтирасиз, дея оёғини тираб туриб олди.

Таажжуб. Ҳар куни юзлаб норасидаларга сифатсиз, тайини йўқ, истеъмолга яроқсиз озиқ-овқат маҳсулотлари сотилаётган бўлса, унинг устига бу иш билан тиббий кўрикдан ўтмаган, дуч келган шахслар шуғулланса, МЧЖ раиси қайта-қайта содир бўлаётган ачинарли ҳолга бармоқ орасидан қараса, фақат келиб тушаётган пулга маҳлиё бўлиб ўтираверса, унинг мушугини ҳеч ким "пишт" демаса. Бунинг сири нимада экан? Сир тезда очилди. Урганч шаҳар давлат солиқ инспекциясидан Урганч шаҳар умумий овқатланиш ва мева-сабзавот тайёрлов харид савдо МЧЖ тўғрисида маълумот олаётган пайтимда масъул ходим менга писанда қилди.

— Нима қиласиз бойвачча билан ади-бади айтишиб, МЧЖ раиси ҳоким Жумабой Ўтамовнинг ўғли-ку. Қозончи ҳақидаги нақлни эшитганмисиз.

Раиснинг баланддан келаётганлиги боиси аён бўлди. Масала мана қаёқда экан. Унинг отаси Ж. Ўтамов анча вақт вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлади, кейинчалик Урганч шаҳар ҳокими бўлди. Ана шу даврда Ҳамро Ўтамов гарчи ёш бўлса-да нуфузли ташкилот жиловини қўлга олган экан. Ҳозирда унинг отаси Ж. Ўтамов Ҳазорасп тумани ҳокими вазифасида ишлаяпти.

"2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили" юзасидан ҳукумат қабул қилинган қарорини ҳам, белгиланган дастурини ҳам назар-писанд қилмай, алдагани бола яхши қабилида иш тутиб ўқувчиларга истеъмолга яроқсиз маҳсулотларнинг сотилишига очиқдан-очиқ йўл қўйган Ҳ. Ўтамов "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да ҳам бундай нохуш ҳоллардан кўз юммоқда.

Таассуф!

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
журналист

Муносабат

ТЕПАДАН КЎРСАТМА ШАРТ ЭМАС

ёки журналистни овора қилишга уринганлар

Ҳозирги пайтда гарчанд журналистнинг ўз хизмат фаолиятини давр, юртимизда содир бўлаётган ўзгаришлар талаблари даражасида олиб боришлари учун тўла ҳуқуқий асослар яратилган бўлишига қарамай ҳамкасбларимизнинг жойларда баъзан ўз хизмат вазифасини бажариш пайтларида турли қийинчилик, қарама-қаршилик, тушунмовчилик, қолаверса, оворагарчиликларга дуч келаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Фикримизча, журналистлар пичоқ бориб суякка тақалгандагина бундай ҳолатларнинг айримлари ҳақида ОАВ орқали ўз фикрларини билдирмоқдалар.

Ўз хизмат вазифасини бажариш чоғида журналист амал қиладиган қонунлар талаблари бузилиш ҳолатларини бир кузатувчи сифатида таҳлил этарканмиз фикрларимизни бу борада ОАВда эълон қилинган айрим хабар ва мақолалаларгагина асосланган ҳолда билдиришни лозим деб билдик.

"Биз (пахта тозалаш заводидан иложи бўлса) бирор материал тайёрлаш ниятида Сариосиё тумани пахта тозалаш заводида бўлдик. Завод директорига учрашиб, мақсадимизни билдирдик. Директор жаноблари гапимизни охиригача эшитмай туриб шундай деди: "Ҳокимиятнинг рухсатномаси ёки ҳокимиятнинг вакили бўлмаса, ҳар қандай четдан келганлар заводга киритилмайди". Албатта, биз бундан тааж-жубга тушиб, мухбирлик гувоҳномасини кўрсатдик. У эса парвосизларча "Ҳокимликдан алоҳида рухсатнома бўлмаса, гаплашмайман", деди-ю, ҳокимиятнинг кўрсатмаси шундай бўлганлигини қўшимча қилиб, машинасига ўтириб кетди".

"Ҳуррият" газетасининг шу йил 24 январь сонида эълон қилинган Аннамурод Жумақулиев қаламига мансуб бу хабарни ўқир эканман муаллифнинг ўша пайтда тушган аҳволини хаёлан тасаввур этаман.

Бундан уч йил олдин журналист Шуҳрат Жабборовнинг «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган "Тепадан топшириқ берилмаган-ку!" мақоласида таъкидланишича, муаллифнинг кўпдан буён тинчлик бермай келаётган бир мавзу — юрти учун фидоий фуқарога етказилиши зарур бўлган фикрлар ҳақида ёзмоқ ниятида эканлигини мансабдорга айтса, нима бўлишини фараз қилади. Суҳбатдош пешонаси тиришганини ҳатто телефонда гапининг оҳангидан сезган журналист ундан, — шу ҳозир... кераки? — фикрини эшитса-да, барибир хаёлига келган мавзу ҳақида мақола ёзиш муҳимлигини далиллашга киришади.

Бу далиллашлардан кейин ҳам телефон гўшагидан "Тўғрику-я, лекин айнан шу масала бўйича тепадан топшириқ бўлгани йўқ. Мени шу томони ўйлантираяпти. Озроқ кўрайлик-чи тепадан айтиб қолишар" деган фикрни эшитади.

Юқоридаги хабарда келтирилган ҳолат билан телефонда айтилган мутасадди фикрида қандайдир яқинлик, ҳамоҳанглик борлигини сезсак-да, унинг асл моҳияти ҳали ҳам айрим мутасадди ва раҳбарларнинг узоқ йиллар ҳукм сурган қизил сиёсат исканжасидан қутула олмаётганлигини, қолаверса, уларнинг янгича фикр юритиш қобилиятидан маҳрум эканлигини англаймиз.

Ақли, ҳозирча юқоридан топшириқ бўлмагунча тинчгина юравериш, турли ҳокимликлар, юқори идоралар рухсати билан иш юритишгагина қурби етадиган турли тоифадаги раҳбарлар ҳануз мавжуд экан, журналистларимиз ўз касб вазифаларини бажаришларида ҳали кўпгина бемаъни тўсиқ ва оворагарчиликларга дучор бўлаверишини ҳис этамиз.

Юқоридаги мавзу ҳақида ўйлаганимизда яна "Ўзбекистон овози" газетасининг мухбири Саида Сайхун қаламига мансуб "Вазирликдан рухсат борми?" мақоласи ҳам эсга тушади.

Республика молия вазирлиги Фарғона вилоят бошқармаси назорат тафтиш бўлими бошлиғи Баҳром Мирзаевга мухбир ўз мақсадини айтганида улар ўртасидаги суҳбат қуйидагича кечади:

— Сиз бу савол билан вазирликка боринг, — деди у (Баҳром Мирзаев) норозилигини намойишкорона билдириб, — умуман сиз айтган сумма жамғармага тушган, ҳеч нарсага жавоб бериш... Ўчиринг, мана буни! (у диктофонга ишора қилди.)

— Қайси жамғармага? — сўрадик.

— ...

— Айтингчи, нега унда сумма мана бу 21504000000216261001 ҳисоб рақамига тушган... бу кимнинг ҳисоб рақами?

Баҳром Мирзаев жавоб бериш ўрнига диктофонни қўлига олди-да, истеҳзо билан шундай деди:

— Сўроқ қилишга нима ҳаққингиз бор? Қани вазирликдан рухсат? Биз буни тегишли идораларга топширамиз, аниқлаймиз.

Сизларни ким жўнатган, истасак мана буни йўқ қиламиз, (у қўлидаги диктофонга ишора қилди.)

— Баҳром Мирзаевич, бундай қилишга ҳаққингиз йўқ, дарҳол диктофонни қайтаринг, бу хатти-ҳаракатингиз: "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ва "Ахборот олиш эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонунига зид-ку, — дедим.

— Яна айтаман, бу масалада вазирликнинг рухсатисиз ҳеч қандай журналистни қабул қилмайман, рухсат олгач фақат ёзма равишда саволларингизни "ўринбосарим"га қолдиринг, қани... — эшикни кўрсатади у.

Журналистнинг вилоят молия бошқармаси бошлиғи Мухтор Маннопов билан бўлиб ўтган суҳбати янада эътиборли. Журналист бу раҳбарга ҳам берган саволига вазирликка бориб учрашинг жавобини эшитгач, улар орасида қуйидаги суҳбат бўлиб ўтади.

— Мухтор Маннопович, нега энди бевосита сизнинг тасарруфингизда бўлган тизимдаги чалкашликнинг тугунини биз вазирликдан бориб аниқлашимиз керак? — сўраймиз бошлиқдан.

— Бу бизнинг ишимиз, вазирликка мурожаат қилинг, вассалом, ҳеч қандай ахборот беришга мажбур қилолмайсиз. Сўроқ қилишга эса ҳаққингиз йўқ. Ким сизга бундай ҳуқуқни берган?

Журналист бу ҳақдаги қонунларни санайди.

— Қани, бир хонамни бўшатиб қўйинг-чи, — у шартта ўрнидан туриб эшикни кўрсатади.

Мана сизга бир нуфузли идорадаги икки мансабдорнинг ўз хизмат вазифасини бажараётган журналистга муносабати.

Биз бўлиб ўтган воқеа ва айтилган фикрларга қозилик қилиш ниятидан йироқмиз. Воқеа мақолада қандай ёзилган бўлса шундай келтирдик, холос. Фақат фикримиз шуки, ҳар иккала раҳбар ҳам бир-бирига касбдош бўлишидан ташқари, раҳбарлик савиялари ҳам эгизакка ўхшашини айтмоқчимиз, холос. Улар ўзаро касбдош ва савиядош бўлмаганларида иккаласи ҳам икки хил хона ва турли вақтда аёл журналистга бир хил муомала қилиб, эшикни кўрсатмаган бўлардилар.

Шу ўринда мухтарам Юртбошимизнинг журналистлар ҳақида айтган айрим фикрларини келтириб ўтишни жоиз деб биламиз. Президентимиз ўзларининг бир чиқишларида: "Ўйлайманки, ҳақиқий демократик матбуот кўрсатма асосида яшай олмайди ва яшаши ҳам мумкин эмас." деган бўлсалар, яна бир маърузаларида матбуот ҳақида гапириб, ҳозирги пайтда қабул қилинган қонунлар ва қонун ҳужжатлари ижроси устидан жамоат назоратини амалга оширадиган механизм сифатида ОАВнинг мавқеини кучайтириш зарур, дегандилар. Чет эл ОАВ журналистлари саволларига берган жавобларида эса "... жамоатчиликнинг, халқнинг ҳокимиятга нисбатан, Президентга нисбатан, умуман мансабдорларга нисбатан фикрини ифодаловчи матбуотгина демократик матбуот ҳисобланади. Одамларда ҳар хил фикр бўлиши табиий: ҳокимият биттасига ёқади, биттасига ёқмайди. Биттасининг хафачилиги бор, биттасининг аламзадалиги, биттаси нима исташни ўзи ҳам билмайди. Матбуот буларнинг ҳаммасини бериши керак, шунга биз чидашимиз даркор. Ана шундагина матбуот демократик матбуот бўлади".

"Ҳуррият" газетасининг 2005 йил 23 февраль ва 16 март сонларида эълон қилингаги журналист Алибой Эргашевнинг "Тепадан кўрсатма керак эмиш" ва «Жиззахда "Анақа" гаплар"... ёхуд биз сайламаган раис ортида кимлар бор?» мақолалари ҳам айнан юқорида кўтарилган мавзу учун яққол мисолдир. Муаллифнинг икки мақоласи билан танишар эканмиз, наҳотки раҳбарларда журналистга ва қонунларга эътибор шундай бўлса, деган фикр беихтиёр хаёлимиздан ўтади.

Фикримизнинг исботи сифатида мақоладан кўчирма келтирамиз. Бу журналист Алибой Эргашев билан Жиззах шаҳар нефть базаси раҳбари Мамарасул Саримсоқов ўртасида бўлиб ўтган суҳбатдир.

— Мухбирлар бизга кўп келишади, — деди М. Саримсоқов норози оҳангда — Бизга тепадан кўрсатма керак. Вилоят ҳокимлиги рози бўлса, марҳамат, сизга хоҳлаган маълумотни берамиз. Сиз аввало вилоят ҳокимлигининг матбуот котибига учрашинг. Улар рухсат берса келасиз.

— Матбуот котиблиги лавозими қисқариб кетган-ку.

— Ҳа, биламан. Унда ҳоким муовини Ботир Тўраевга учрашинг. У киши рухсат берса келасиз.

Мен матбуот ҳақидаги қонунларни ва ўзимдаги айрим ҳужжатларни кўрсатдим.

— Булар масалани ҳал қилмайди. Бизда ички тартиб-қоидалар бор. Биз шунга риоя қиламиз, — деди раҳбар суҳбатга якун ясаб.

Журналист ўз ҳуқуқининг поймол бўлаётганини сезиб, ҳатто ёнида олиб юрган қонунни суҳбатдош раҳбарга кўрсатса ҳам, у парво қилмайди.

Бу ҳолатни қандай баҳолаш мумкин? Бу ўтакетган тўрачилик, саводсизлик, қолаверса, қонунни очиқдан-очиқ менсимаслик, онгли равишда мамлакатимиз, юртимизда бўлаётган оламшумул ўзгаришлар, олиб борилаётган ислоҳотлар талабларига, ҳуқуқий давлат тузиш йўлидаги интилишларимизга зид ҳаракат эмасми?

Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари" ҳақидаги қонунининг 13-моддасида шундай сатрлар бор: "Ахборот олиш ҳуқуқининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар".

Журналистик ижоднинг аксарият бошланиши дастлаб ахборот олиш бита шкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришга мажбурдир. Ахборот олиш имконияти тегишли материалларни эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланади".

Қонуннинг аниқ ва равшан ёзилган бу талабларини ўзининг турли "ички қоидалари"га эга бўлган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига яна қандай содда ва равон тилда тушунтириш мумкин. Бизнинг назаримизда қай даражадаги раҳбар бўлмасин, унинг журналистдан ҳадиксираш ва чўчишига, ундан хавфсирашига ҳеч ҳам ўрин йўқ. Журналист ўз олдига қўйган мақсад ёки топшириқ нуқтаи назаридан сизнинг ютуғингиз ёки камчилигингиз ҳақида матбуот орқали ўз фикрини холисона айтиш ҳуқуқига эга. Холислик билан ёзилган мақола қайси мазмунда бўлишидан қатъий назар у фақат ва фақат жамият ривожига, халқимиз, қолаверса, кўп минг сонли газетхонлар учун фойда келтириши тайин. Қолаверса, ОАВ, журналист фаолиятига тегишли қатор қонунлар талабларидан келиб чиқсак, ҳозир ҳам айрим раҳбарларнинг ўз ҳузурига борган журналистларга "Тепадан кўрсатма керак", "Вазирликдан рухсат борми?..." "Ҳокимликка учрашинг" қабилидаги сўзларни кўр-кўрона айтишларида бирон маъно бормикан?

Бизнинг назаримизда журналист ўзини безовта қилаётган муаммолар, таҳририятдан олган топшириғи, хизмат вазифаси, қолаверса, ўзи учун ёзишни лозим деб билган мавзулар нуқтаи назаридан ҳар қандай ташкилот, муассаса, корхона раҳбарига учрашиб, лозим бўлган ахборотни олиш ҳуқуқига эгадир, қачонки бу — сўралаётган ахборот давлат сирлари сирасига кирмаса.

Фикримизни янада аниқлаштирсак, журналистнинг агар қўлида хизмат топшириғи бўлса, ёки у қайсидир мавзуда ёзишни жамият ва давлат манфаатларига мос тушишини қалбдан ҳис этса, у ахборот олиши учун мурожаат қилган ташкилотнинг юқори ташкилотларидан ва турли ҳокимликлардан, бошқарув идораларидан рухсат олиши шарт эмас деб ўйлаймиз. Худди шунингдек, ташкилот раҳбари турли баҳоналар билан журналистни овора қилишга, ёзмоқчи бўлган мавзуга монелик қилиб, ақл ўргатишга ҳаққи йўқ. Чунки, бу қонун талабига зид эканлигини биз юқорида айтдик.

Сўз юритаётган бу мавзу ҳақида яна мисоллар келтириш мумкин. Ҳамкасблар хизмат фаолиятида юқоридаги сингари ҳали бизга маълум бўлмаган ҳолатлар мавжудлигига ҳам ишонамиз. Лекин шу ерда фикрларимизга якун ясаб, яна бир бор қонун устуворлиги ва ҳар бир ишимизни қонунлар талаби асосида ташкил этиш барча соҳада муваффақият гарови эканлигини яна бир бор таъкидлаган ҳолда, меҳнат жамоалари ва турли ташкилотлар бошида турган раҳбарларга юртимизда аллақачонлардан буён эсаётган янгиланиш шабадаларига юзларини буришларида омадлар тилаб қоламиз.

Холмурод ОЛЛОНАЗАРОВ

Фожеа

ҚАБИҲ "САВДО"

Жирканч иллат, офат, ажал, уруш... Қанча қораламайлик, унга қарши бутунжаҳон ҳамжамияти билан бирга қанча курашмайлик бари бир не бахтсизликки, гиёҳвандлик XXI аср вабоси сифатида "яшамоқда". Инсоният ҳаётига таҳдид солувчи бу иллатга чалинган кимсалар ихтиёрий равишда аянчли ўлимга юз тутишларини биладилар. Аммо бу жарликдан қутулиш...

Гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчилар эса, ҳамқавмлари — гиёҳванд кишиларнинг ночорлиги, нотавонлигидан фойдаланиб бойиб қолмоққа ҳаракат қиладилар...

Тожикистонда туғилган бўлса-да, айни пайтда Қозоғистон республикаси фуқароси Рустам Рофиев ҳам таркибида гиёҳванд моддалар мавжуд "героин" савдосини йўлга қўйишда жиноий занжир тузди.

Бу қабиҳ савдодан тушадиган мўмай даромадни ҳомаки чамалаб кўрган Рустам "ажал уруғи"ни осонроқ топиш мумкинлигини билгани боис пухта режа тузди. "Денов орқали Душанбега ўтиб олсам-у, "йўл"ини қилиб "товар"ни Бухорогача келтирсам бўлди. Таниш-билиш, қўни-қўшни биродарлар орқали пуллардим". У худди шу хаёлда 2004 йил декабрь ойи охирларида "Алпомиш" кўчасида жойлашган савдо дўкони сотувчиси Умидга юзланди.

— Биламан, ука. Ҳозир ҳаммага қийин. Қадам босдингиз пул керак. Агар йўқ демасангиз... бир таклиф бор... — суҳбатдошининг кўнглидан кечганларини уққандек бош чайқади Рустам. Иложи борича овозини паслатаркан йигитга яқинроқ келиб шивирлади — Сурхондарё орқали...

— Тўғри, янги йил ҳам яқин. Аммо... — ўйланиб қолди Умиджон, "Чўнтак елвизак" демоқчи бўлди-ю, тағинам дийдиё қилишни ўзига эп кўрмади.

Умид Рўзиев суҳбатдошига ҳамтовоқ, жиноий шерик бўлиб қолаётганлиги ҳақида эмас, балки пачка-пачка пул ҳақида ўйларди. Самарасиз сафар тез поёнига етди. Бироқ, Рустам Рофиев қабиҳ ниятидан қайтмади. 2006 йилнинг март ойларида яна туғилиб ўсган юрти томон "сафар"га чиқди. Бу гал "ов"и бароридан келди. Таниши тожикистонлик Умид Файзиевдан 4 килограмм "опий" гиёҳвандлик моддасини қарзга 4 минг 600 АҚШ долларига баҳолаб оларкан, "товар"ни Ўзбекистонга қандай қилиб ўтказиш муаммоси уни қийнарди.

— Ўйланманг, ака. Эдельвейс деган танишим бор. Уни рози қилсангиз, "дори" "безпроблем" адресга етади, — деди Умид ҳожатбарорлигини яна бир бор намоён этаётгандек гердайиб.

Шундай қилиб ҳалқасимон йўллар билан Тожикистон-Сурхондарё-Денов орқали Бухорогача етиб келган 4 та целофанларга қадоқланган кўп миқдордаги "опий" Рустам Рофиев вақтинча яшаб келган Турди Фароғий кўчаси, 14-уйнинг томи-керамзит тошлар остига яширилди.

Ён подъездда яшовчи қўшниси Равшан Ҳамроев "савдо"дан тушадиган улуши миқдорини эшитиб, тезда "ажал уруғи"га харидор топишга киришиб кетди. "Бир миллион сўм-а, ҳозир 100 сўм, 1000 сўмни айтмайсизми? Мендан нима кетди". Шундай хаёллар билан қилимишининг жиноят эканлигини виждони олдида хаспўшлашга уринаётган Равшан Ҳамроев Когон туман ҳудудида жойлашган "Жўрабек" чойхонасида ишловчи узоқ қариндоши Жўра Раҳимовни "ишга солиш" ҳақида ўйлади. Қабоҳатнинг беъмани уруғи Абдулло Қодиров, Умиджон Рўзиев, Жўрақул Асадов, Толиб Жўраевлар қалбида ҳам чечак ёзди.

Миллионлаб пуллар эвазига бир марта хуморини ёзиб, дунё ташвишлари-ю, ҳаёт қувончларига ҳам тупуриб юборадиган "харидор"лар ҳисобига жиноят гуруҳи маълум муддат "яшаб" қолди. Аммо, 2005 йил 20 июль куни Миллий хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси ходимлари "тузоғи"га илинган Рустам Рофиев уйида ўтказилган тинтув давомида хонадондаги шкаф ичида судланувчилар Р. Ҳамроев, У Рўзиев, Ж. Раҳимов, Ж. Асадов, А. Қодиров, Т. Жўраевларга сотилганидан қолган 1 килограмм 584 граммга тенг миқдордаги "героин", 720 граммга тенг "опий" гиёҳвандлик воситаларини сотиш мақсадида сақлаб келинганлиги аниқланди.

"Савдо"си касодга учраган Рустам Рофиев бошчилигида тузилган худбинлик, тубанлик ботқоғига ботган жиноий гуруҳ қонун олдида жавоб берди. Аммо, Р. Рофиев, сингари дунёга ўт кетса кетсин, менинг қозоним қайнаса бўлди, дейдиганларнинг ташаббуси билан ўтказилаётган, сотилаётган "товар"ни харид қилаётганлар, уни истеъмол қилаётганлар, уларнинг оилалари, фарзандлари билан боғлиқ моддий, маънавий муаммолар, оналар кўз ёши, тенгқурлари қатори чопқиллаб юриш, соғлом фикрлаш бахтидан маҳрум бегуноҳ норасида гўдаклар тақдири қачонгача жамиятнинг оғриқ нуқтаси бўлиб қолади, деган савол кишини қийнайди.

Набижон ЯХШИЕВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим прокурори
Моҳира ШАКАРОВА,
"Адолат нури" мухбири

Акс-садо

"КОЛХОЗЛАШТИРИШ"

АЁЛЛАРИМИЗНИ НИМА ҚИЛДИ?

«Нуль рақами неччига тенг?» (2005 йил, 14 декабрь ва 2006 йил, 25 январь) сарлавҳали мақола ва муносабатларда кўтарилган муаммо кўп қиррали бўлиб, яна мавзуни давом эттирамиз

Яқинда аёлларимизнинг "Йигитлар ҳозирги қизларнинг юриш-туришидан қониқмай қўйишди. Уйланиш вақти келганда шим кийган қизларни олишга ўйланиб қолишмокда. Айримлари ундай қизларни бутунлай инкор этишяпти. Бир томонлама тўғри қилишади. Шу ишни олдинроқ — тор шим "мода"га кирмасдан туриб, қилиши керак эди..." қабилидаги мулоҳазаларни эшитиб қолдим. Қизларни ўйлашга мажбур қиладиган фикрлар, албатта.

Кўпчилик "шимда юриш қулай, этаги узун кўйлакка ўхшаб судралиб юрмайди, иш қилишда халақит бермайди..." деб билишади. Ҳар ким ўзича ҳақ. Аммо одатдагидек, моҳият очилмасдан қолаверади.

Ислом динида мусулмонлар бешта аъзонинг зиносидан сақланиши ҳақида гап кетади. Улар кўз зиноси, қулоқ, оғиз, қўл ва оёқ зинолари. Бизга маълумки, динимиздаги барча амаллар, безовта кишининг саломатлигини сақлашда муҳим рол ўйнайди. Таҳорат олаётганда муслимнинг 72 та аъзоси поклангани каби ушбу зинолардан сақланиш ҳам соғликни назарда тутади. Уларга изоҳ бериб ўтирмайлик-да, мавзумиз учун керакли бўлган "кўз зиноси"ни олиб, мушоҳада қилайлик. Ўзига тегишли бўлмаган нарсаларга қараш, қўшниникига ёки турли тирқишлардан мўралаш, бирор нарсага ҳирс билан қараш... гуноҳи азим ҳисобланади. Аёлларнинг очиқ-очиқ, тор кийимлар кийиши эркакларни беихтиёр ўзига қаратади. Тиббиёт ходимларининг фикрича, бундай кийимдаги аёлни томоша қилиш йигитларнинг соғлигига катта путур етказади. Яъни бу эркакларнинг мижозини сусайтирадиган сабаблардан бири экан.

Энди ўйлаб кўринг. Европадаги бепуштликнинг кўпайиб кетиш(и) сабаби ҳам шундамасмикан? Ҳозирда кўпчилик қизлар узун кўйлак кийишга уялишади. Бу қуюшқондан чиқиб кетди, деганидир. Таниқли адибимиз Ўткир Ҳошимов бир даврада "Япон аёли эрига икки эмас уч букилиб салом беради, кўйлаги ерга судралиб туради. Лекин нима учун ўзбек аёли эридан икки қадам орқада юрса ёки узун кўйлак кийса, замондан кейин қолиш ёхуд феодализм бўлиши керак?! Бу бизнинг миллийлигимизку!" деган салмоқли фикрни айтган эди. Бироқ мутафаккирларнинг қизиқ ибораси бор: "Кучли маданият чеккадан таъсир этган маданиятларни ўз ичига ютиб юборади, заиф маданият эса, аксинча, кучлисига ем бўлади".

Ўрта Осиё асрлар давомида юнон, форс, араб, мўғул... маданиятларини ямламасдан ютиб юборавераді. Кейинги пайтларда анча бўшашиб, ҳатто кўриб турганингиздек ҳалокат ўпқонига яқин бориб қолди.

Чалғимасдан мавзуга қайтсак. Баъзи фаол аёлларимиз минбарга чиқиб олиб, йигитларимизда шижоат, куч-ғайрат етишмайди, дея жар солаверсаю, фожеанинг асосий сабабчиларидан бири ўзлари эканини ўйлашмаса, бу ҳам яхши эмас. Кўрганингиздек ҳамма нарсанинг ўз сабаби бор. Эркакларнинг сустлашишига қайсидир маънода аёллар сабабчи бўлса, аёлларимизнинг "замонавий" кўринишга келишига сабаб нима?

Қирғиз адиби Чингиз Айтматов ва қозоқ шоири Мухтор Шохоновнинг ўзаро суҳбати асосида дунёга келган "Чўққида қолган овчининг оҳи-зори" асарини варақлаб кўрадиган бўлсак адиблар аёлларнинг бугунги ҳолга келишини "колхозлаштириш" ишларига боғлайди. Аччиқ ҳақиқатларни ҳам тилга олишади. Аёл ўз оти билан аёлда. Унга кўй боқтириш, ер чоптириш, борингки, трактор ҳайдатиш шартмиди?!

Китоб муаллифлари айнан марказий Осиё аёлларининг нафис туйғулари илдизига болта урилганини эътироф этишади.

Хулоса чиқариш эса ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Биз Кумуш билан Зуҳрани ёки Отабек, Тоҳирларни талаб қилмаяпмиз. Чунки уларнинг ҳозирги замонимизда яшаши итни мушукнинг ўрнига сичқон овлаш учун келтириб қўйгандай бўлади. Алломалар айтишган экан: "аёллар талабчан бўлган жамиятда йигитлар ҳақиқий эркак бўлиб етишади".

Бу фикрларимиз кимнидир ўйлашга, фикр юритишга ундаса, биз мамнунмиз.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ

МАЛЛАЕВГА ЁРДАМ БЕРИШ КЕРАК

Газетанинг 18 январь сонидаги "Маллаевга операция қимматга тушди ёхуд уч йилдан буён адолат ахтараётган фуқаронинг изтироблари" мавзусидаги мақолани ўқиб, ўз фикрларимни билдиришга қарор қилдим.

Ёшим 72 да. 43 йил СамКХИда меҳнат қилдим. Газетанинг доимий мухлисиман. Унда чоп этилаётган ҳар бир мақолани ўқиб бораман. Қолаверса, Қ. Маллаевнинг бошига тушган оғир мусибатлардан хабардорман. Уни имкони борича қўллашга ҳаракат қилдим. Қурбонали Маллаевнинг уч йил давомида кўрган азобларини ҳеч кимга раво кўрмайман. У мурожаат қилмаган жой қолмади, ҳисоб. Охирги умидимиз "Ҳуррият" мустақил газетасида эди. Маллаев томонидан таҳририятга ёзилган аризага асосан мухбир суриштирув бошлаганидан сўнг "Қандли-диабет" шифохонаси бош врачи С. Габченко Қурбоналини Тошкентга олиб бориб текширтириб келганидан хабарим бор. У қайтиб келгач, Республика Эндокринология илмий-текшириш институти муҳри босилган, лекин қайднома рақами ва санаси кўрсатилмаган бир парча қоғозни ўқиб кўрдим. Унда: "Д-з ОИ-Пролифративная диабетическая ретинапая в стадии авиаброза OS-Деструкция стекловидного тела. Рек-но Витрэктомия в условиях МНТК-г Екатеринбурга" деган ёзувлар бор экан...

Кейинги йилларда Қурбоналининг бошига кетмакет мусибат ёғилди. Кўр бўлиб қолгандан кейин 2005 йили турмуш ўртоғи Зуҳро 44 ёшида уч нафар фарзандини ташлаб, ёруғ дунёни тарк этди. Бугун у 82 ёшли отаси ва 14 яшар қизи билан умргузаронлик қилмоқда. Шароити оғир, ҳали 40450 сўм нафақа олаётганига ҳам кўп бўлгани йўқ. Кўпчиликдан сўрабсуриштириб, газеталар ичида "Ҳуррият"ни бежизга танламаган экан. Танишларидан бири унга сен газетага ёзганинг билан мухбирларнинг қўлидан нима келади. Улар барибир ёзганларингни чиқаришмайди, деган пайтлар ҳам кўп бўлган.

Лекин чоп этилган мақола кўпчиликнинг "Ҳуррият"га бўлган ишончини, мухлисларининг кўпайишига, қолаверса, обуна бўлишига йўл очиб беради, деган умиддаман.

Яқинда Республика радиосидан газеталар шарҳини тингладим. Унда газеталар қатори "Ҳуррият"га ҳам шарҳ берилиб, "Маллаевга операция қимматга тушди" мақоласига алоҳида тўхталиб ўтди. Мен зиёли сифатида бир таклиф киритмоқчиман. Республика матбуотида чоп этилаётган янгилик ва мақолаларни радио орқали шарҳлаб борилиши тавсия лойиқдир. Истардимки, вилоятга тегишли бўлган мақола ва янгиликлар вилоят радио ва телевидениеси орқали ҳам шарҳлаб борилса ёмон бўлмасди. Чунки бугун ҳар кимнинг ҳам газета сотиб олиб ўқишга қурби етмайди.

Яқинда газетада вилоят ҳокимининг фармойишини ўқиб қолдим. Унда вилоят "Қизил ярим ой" жамияти фаолиятига оид фармойиш берилган. Ушбу фармойиш орқали йиғилган барча маблағлар ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилаларга ишлатилар экан. Шулар қаторида Қурбонали ҳам Екатеринбург шаҳрида ўнг кўзининг кўриш қобилиятини тиклаб келса ёмон бўлмасди.

Президентимиз ташаббуси билан 2006 йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб аталди. Бу, албатта, яхшилик ва эзгуликка хизмат қилади.

Вилоят ва шаҳар раҳбарлари бу борада ёрдамларини дариғ тутмайдилар деб умид қиламан.

Мусо РАШИДОВ,
меҳнат фахрийси

О.ВОСИХОНОВ чизган

Тадбир

СЕНАТОР БИЛАН УЧРАШУВ

Яқинда "Ёшлик" талабалар шаҳарчасига қарашли "Маънавият ва маърифат маркази"да "Камолот" ёшлар-ижтимоий ҳаракатининг марказий кенгаши раиси, сенатор Б. Ҳ. Убайдуллаев билан давра суҳбати ўтказилди. Талабалар иштирокидаги ушбу суҳбатда ёшлар ўзлари қизиққан барча саволларига жавоб олдилар. Жумладан, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг бугунги фаолияти, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг келажаги ҳақида фикр алмашилди. Ёшларнинг қонунчилик жараёнида тутган ўрни ва қабул қилинаётган қонун лойиҳалари хусусида баҳслар юритилди. Йиғилиш иштирокчиларидан бири, Ўзбекистон Миллий университети геология факультети талабаси С. Мусурмонов бу ҳақда шундай дейди: "Бу каби давра суҳбатлари тез-тез уюштирилиб турилса, ёшларнинг сиёсий дунёқараши ўсибгина қолмай, қонунчилик жараёнидаги фаоллиги ҳам ошиб борар эди".

Эркин баҳс-мунозаралар билан ўтган тадбир сўнггида Б. Убайдуллаев талабаёшларни фаолликка чорлаб, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан доимий ҳамкорликка таклиф этди.

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
ЎзМУ талабаси

Дараклар

ПОКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙДАН УЗР СЎРАДИ

Ҳозирда Хитой Халқ Республикасида расмий ташрифда бўлган Покистон президенти Покистонда террорчилар томонидан содир этилган навбатдаги хунрезликни бартараф этиш чоғида террорчилар томонидан гаровга олинганларни озод этиш жараёнида эҳтиётсизлик оқибатида хитойлик мухандиснинг ҳалок бўлганлиги учун Хитойдан узр сўради.

— Террорчилар мамлакатимизни дунё жамоатчилиги олдида жиҳолатга қўйди. Уларнинг ўз қабиҳ мақсадларини амалга оширишига йўл қўйиб бўлмайди. Мен Хитой халқининг бундай йўқотишига ҳамдардлигимни билдираман. Покистон ҳукумати газандалар билан курашишнинг энг шафқатсиз йўлини танлаган. Биз, албатта, қотилни топиб жазолаймиз — дея таъкидлади Покистон президенти.

Бундан ташқари, Парвез Мушарраф ўз сафари давомида бир қатор иқтисодий, ижтимоий ва илмий ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги икки томонлама шартномаларни имзолади.

ПАРРАНДА ГРИППИ ВИРУСИ БОСНИЯДА ҲАМ АНИҚЛАНДИ

Боснияда биринчи марта иккита оққуш ўлигидан парранда гриппи вируси аниқланди.

Ҳукумат Ветеринария институти вакилининг маълумот беришича, Яйце шаҳарчаси ёнидан оқиб ўтадиган дарёдан бир неча кун олдин топилган оққуш ўлигидан H5 вируси борлиги аниқланган. Шундан сўнг, оққуш ўликлари тезлик билан Британия лабораториясига юборилган. У ердаги текширувлар натижаси эса, оққушларда инсон ҳаёти учун хавфли бўлган H5N1 вируси борлиги аниқланди.

Мамлакат раҳбарияти барча фермерларга уй паррандаларини қафасда сақлашни ва вирус хавфи бор бўлган ҳудудларни тезлик билан тозалаш лозимлигини билдирди.

АДЛ ХАМАСГА 50 МЛН. ДОЛЛАР АЖРАТМОҚЧИ

Араб давлатлари лигаси бош котиби Амр Мусанинг маълумот беришича, араб давлатлари Фаластин автоном давлатига 50 млн. доллар ажратишни кўзламоқда.



Фаластин давлатининг янги молиявий ҳолати ва ХАМАСнинг ҳокимият тепасига чиқиб келишини АҚШ ҳукумати қўллаб-қувватламаяпти.

Қўшма Штатлар давлат котиби Кондолиза Райс Эрон ва бошқа яқин шарқ давлатларини навбатдаги "қадами" билан огоҳлантирди. У яна АҚШ ҳукумати Фаластин автоном ҳукуматига гуманитар молиявий ёрдамларини давом эттираверади, — дея таъкидлади. Райс ушбу ҳафтада Араб давлатлари лигасига аъзо бўлган Миср, Саудия Арабистони ва БАА раҳбарлари билан учрашиб, бу борадаги ўз қарашларини ўтказишга ҳаракат қилиб кўрмоқчи.

Фаластин Араб давлатлари лигасининг бу кўмагига шубҳа билан қарамоқда. 2002 йили Лига Кенгаши собиқ Фаластин раҳбари Ёсир Арофатга 600 млн. доллар ажратишни ваъда қилган эди. Аммо бу фақат ваъдалигича қолиб кетди. ХАМАС молиявий кўмакни яқин шарқдаги қўшни давлатлардан кутмоқда.

Ҳозирда Фаластин автоном давлатининг йиллик бюджети 1,9 млрд. долларни ташкил этмоқда. Унинг асосий қисми хорижий манбалардан тўлдирилади.

АҚШ молия вазирлиги, агар Фаластинга 50 млн. доллар ўтказиладиган бўлса, ХАМАСнинг хориждаги ҳисоб рақамлари музлатилиб, иқтисодий санкция қўлланилишини маълум қилди.

РОССИЯ-ЭРОН МУЗОКАРАЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Кремлда Эроннинг ядровий дастури бўйича музокаралар давом этмоқда. Музокараларда Россия томонидан Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Сергей Кислян ва Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари Валентин Соболев иштирок этмоқда.

Эрон делегациясига Эрон Олий Кенгаш Миллий хавфсизлик қўмитаси раҳбари ўринбосари Сайед Али Хусейн-Таш бошчилик қилмоқда.

Россия Эрон атом электростанцияси учун уранни бойитишда ҳамкорлик қиладими ёки йўқлиги ҳалигача ноаниқ бўлиб қолмоқда. Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров, музокара Россия давлати учун умидли якунланишини билдирмоқда.

Эрон ташқи ишлар вазири Манучер Моттаки эса, Брюсселдаги чиқишида, Эрон ядровий ҳаракатларини ҳатто, Россия билан музокаралар муваффақиятсиз якунланса ҳам давом эттираверади. Эрон ҳеч қачон ядро технологиясини яратиш мақсадидан қайтмайди, — дея таъкидлади.

Маълумки, Эроннинг бу ҳаракати БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши томонидан кескин қораланмоқда. Аммо Эрон бу борада халқаро ташкилотлар билан ҳам алоқасини узишга тайёр.

Эрон Парламенти депутати Муҳаммад Хусайн Фаранги, Эронда 20 та атом электростанция қурилиши режалаштирилган бўлиб, қурилиш сарф-харажатлари давлат бюджетидан кейинги йилда ажратилиши режалаштирилиши кутилмоқда, — дея хабар беради журналистларга.

Бунёд АБДУЛЛАЕВ тайёрлади

Юбилей

ТЕМУРИЙЛАР

(Бошланиши ўтган сонларда)

Маликалари:

Қутлуғнигорхоним, Юнусхоннинг 2-қизи, Тошкент ҳукмдори Султон Маҳмудхоннинг синглиси. 1526 йилда вафот этган. 1 ўғил, 1 қизнинг онаси.

Улус оқа.

Фотимасултонбегим, ўғли — Жаҳонгир Мирзо (3.6.2.4.2)

Маҳдумасултонбегим

Қоракўзбегим — Манучеҳр (3.6.1)нинг қизи.

Оқасултонбегим.

Умидхоним, андижонлик канизаклардан, Меҳрбонубегим, Шаҳрибонубегим ҳамда Носир Мирзонинг онаси.

Турсун(Тун)султонбегим.

Фарзандлари: 3 ўғил, 5 қиз.

Умри — 39 йил.

Қизлари:

3.6.2.4.А. ХОНЗОДАБЕГИМ

Онаси — Қутлуғнигорхоним, 1478 йил — 1544 йил. Шайбонийхонга асир тушиб қолади (1501), ундан туғилган ўғли Хуррамбек ёшлигида вафот этади. Кобулга, Бобур ҳузурига қайтиб, умр кечиради. Оқила, Ҳумоюн (3.6.2.4.1.1) саройида маслаҳатчи.

3.6.2.4.Б. МЕҲРБОНУБЕГИМ
1481 йил туғилган.

3.6.2.4.В. ШАҲРБОНУБЕГИМ
1491 йил туғилган.

3.6.2.4.Г. ЁДГОРСУЛТОНБЕГИМ

Оқасултонбегим исмли канизакдан вафотидан сўнг туғилган. Шайбоний авлодларига тушиб кетган.

3.6.2.4.Д. РУҚИЯСУЛТОНБЕГИМ

Маҳдумасултонбегимдан 1494 йилда туғилган. Шайбонийларга келин бўлган.

3.6.2.4.1. ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД (Бобур) подшоҳ

1483 йил, 14 февраль, Андижон — 1530 йил, 25 декабрь, Агра.

Отаси — Умаршайх(3.6.2.4).

Онаси — Қутлуғнигорхоним.

Андижон ҳокими (1494 йил, июнь). Бойсунғур (3.6.2.3.2.)га қарши Самарқанд устига юриш (1496 йил, ёз). Самарқандга иккинчи юриш (1497 йил, май) ва тахтни эгаллаш, Бобур Соҳибқирон тахти вориси (1497 йил, ноябрь), 100 кун ҳукмронлик. Андижон қўлдан кетади. Андижон тахтига иккинчи ўтириш (1499 йил, июль). Султон Али (3.6.2.3.3) Шайбонийга таслим бўлади (1500 йил, боши). Бобур яна Самарқандда (1500 йил). Кобулни эгаллаш (1504 йил, сентябрь). Шайбоний вафотидан сўнг Шоҳ Исмоил (Эрон) билан иттифоқликда Самарқандни яна қўлга киритиш ва 8 ой ҳукмронлик (1510 йил). Бешинчи юришда Панипат жангида ғалаба (1526 йил, апрель) ва Ҳиндистон фатҳининг бошланиши. Деҳлида Бобур подшоҳ номига хутба ўқилди (27 апрель).

"Бобурнома", "Мухтасар", "Вақфнома" сингари асарлар муаллифи. Хатти Бобурийни кашф қилиб, Қуръонни кўчиртирган...

Темурийлар сулоласининг энг ёрқин юлдузларидан бири. Ҳиндистонда Буюк Бобурийлар империяси асосчиси.

Фарзандлари — 9 ўғил, 9 қиз, 11 нафари болалигида вафот этган. Бобур дунёдан ўтганда 3 ўғил, 4 қизи ҳаёт эди.

Умри — 48 йил.

Маликалари:

Ойшасултонбегим, Султон Аҳмад (3.6.2.1)нинг қизи, 5 ёшлигида бешиккетти қилинган.

Зайнабсултонбегим (3.6.2.3.Д)

Моҳимбегим, энг ўктам, оқила, 5 фарзанд кўрган (Ҳумоюн, Борбўл, Меҳржаҳонбегим, Эшондавлатбегим, Форуқ. Ҳ. дан бошқаси болаликда вафот этган).

Гулруҳбегим, 1508 йил уйланган. 5 фарзанд кўрган (Комрон, Аскарий, Шоҳрух, Султон Аҳмад, Гулизорбегим. Кейинги уч нафари болаликда вафот этган).

Дилдорбегим (фарзандлари — Гулрангбегим, Гулчеҳрабегим, Ҳиндол, Гулбаданбегим, Олур Мирзо).

Маъсумасултонбегим — Султон Аҳмад (3.6.2.1)нинг қизи, туғиш пайтида вафот этган ва қизига исми берилган.

Меҳрибегим, Меҳржон исмли қиз туққан.

Афғоний оқача (Биби Муборака) — Малик Мансур Юсуфзайнинг қизи, пуштунлардан.

3.6.2.4.2. ЖАҲОНГИР
1485 йил — 1508 йил.
Отаси — Умаршайх (3.6.2.4)
Онаси — Фотимасултонбегим.

Отаси вафотидан сўнг Ахси тарафдаги ерларни бўлиб олади. Акаканинг ўзаро низолари ва сулҳ (1500 йил, февраль). Бобур (3.6.2.4.1) 1504 йил Ғазни вилояти ҳокимлигини берган. Бобур Султон Ҳусайн (2.6.3.2.)нинг таъзиясига борганда (1507 йил) бирга эди. Вафоти ҳақида "Бобурнома"да маълумот йўқ.

Умри — 24 йил.

3.6.2.4.3. НОСИР
1487 йил — 1525 йил, Ғазни.
Отаси — Умаршайх
Онаси — Умидхоним.

Бобур 1504 йил Нинглаҳар тумани, Мандировар, Дарайинур, Қунар, Нурал ва Жиғансаройни инъом қилади. Қандаҳор (1508), кейин Ғазни вилояти ҳокими.

Ичкиликка ружу қўйиб, вафот этади.

Умри — 29 йил.

3.6.2.5. СУЛТОН МУРОД
1456 йил, Самарқанд — охирги тақдири номаълум.
Отаси — Абусаид (3.6.2)
Онаси — Боймулк оқача

Гармсир, Қандаҳор вилоятлари инъом қилинган. Отаси вафотидан сўнг Султон Ҳусайн (2.6.3.2) саройида бўлади.

Умри — ?

3.6.2.6. ШОҲРУҲ
1458 йил, Ҳирот — 1493 йил.
Отаси — Абусаид
Онаси — Алоуддавла Мирзо (4.3.1)нинг қизи (Руқиясултон).

Отасининг Ироқ юришида акаси Султон Муҳаммад (3.6.2.2) билан асир тушиб қолади ва ғарибликда яшайди.

Умри — 36 йил.

3.6.2.7. АБУБАКР
1458 йил — 1479 йил.
Отаси — Абусаид
Онаси — бадахшонлик (Шаҳзодабегим).

Шижоатли, жасур, ҳимматли бўлган. Бадахшон ҳокими эди. Отаси вафотидан сўнг Султон Ҳусайн (2.6.3.2) илтифотига интилган. Алишер Навоий Ҳиротга олиб келади. Кўп ўтмай яқин маслаҳатчиси Жалолиддин Мажид арғунни ўлдиради. Акаси Султон Маҳмуд (3.6.2.3) ва Кермон доруғасига қарши курашади. Ҳиротга ҳужум қилади. Астрободда қўлга тушиб, қатл этилади.

Умри — 22 йил.

3.6.2.8. УЛУҒБЕК (Қобулий)
1460 йил, Ҳирот — 1501 йил.
Отаси — Абусаид.

Кобулда ҳукмдор. 2 ўғил, бир неча қизи бўлган.

Умри — 42 йил.

3.6.2.8.1. АБДУРАЗЗОҚ
1480 йил — 1525 йил, Ғазни.
Отаси — Улуғбек (3.6.2.8.)

Бобур тортиб олган Зуннун арғунгача Кобул ҳокими. Сўнг Бобур хизматида. Укаси Носир Мирзо (3.6.2.4.3) бошқарган ҳудудларни Абдураззоққа берган.

Умри — 46 йил.

Ҳаким САТТОРИЙ тайёрлади.

(Давоми бор)

Робита

Жанубий Кореялик жаноб Пак Канг Юннинг хайрли ишлари ҳақида эшитиб, бу олижаноб инсон билан танишганимдан бери кўпчилик биладиган иборани ўзгартиргим, дунёни гўзаллик эмас, яхшилик қутқаради, дегим келади.

МАҚСАД — ИККИ ХАЛҚ ДЎСТЛИГИ

Аслида ҳам дунёда саховатли инсонлар кўп. Аммо ўзларини ҳаммага достон қилавермаганлари учун ҳам уларни билмаймиз. Жаноб Юн бизнесмен сифатида Ўзбекистонга келар экан, унинг мақсади фақат бойлигига бойлик қўшиш эмас, балки ўзбек ва корейс халқлари ўртасида дўстлик, биродарликни мустаҳкамлашдан иборат бўлган. Шунинг учун ҳам бу саховатпеша инсон ташаббуси билан 2005 йил апрель ойида "Ўзбекситон-Корея дўстлиги жамияти"нинг стипендия фонди ташкил қилинди. Республикамиз олий ўқув юртларида ўқиётган корейс тилини ўрганаётган, тадбирларда фаол иштирок этаётган талабалар ҳар ойда стипендия билан тақдирланадилар.

Юн жаноблари ўзларининг офислари жойлашган бинодан иккита хона ажратиб, уларни зарур адабиётлар ва замонавий технология билан жиҳозлаганлар. Бу ерда корейс халқининг ўтмишига оид фильмлар, луғатлар ҳам бор.

— Мустақил ҳаётини энди бошлаётган талабаларга ёрдам бериш, уларни эзгу мақсадларга йўналтириш — дунёнинг энг катта савоби шу, — дейдилар.

Бугунги кунда турли олий ўқув юртларида ўқиётган 30 талаба ҳар ойда 25 минг сўмдан стипендия олади. Ўқув йили охиригача улар сафига яна 15 та талаба қўшилиши кутилмоқда.

Яна П. К. Юн жаноблари шаҳар ташқарисида яшаётган корейс қариялари учун дам олиш уйи қурилиб, ишга тушишига бош-қош бўлдилар.

Ниҳоятда банд бўлишларига қарамасдан, биз талабалар билан сухбатлашишга доимо вақт топадилар. Корея ҳақида, корейс халқининг тарихи, Ўзбекистонга муҳаббатлари ҳақида гапириб берадилар ва бизнинг ўқишларимиз, қизиқишларимиз тўғрисида сўрайдилар.

"Ўзбекистон-Корея дўстлик жамияти" стипендия жамғармасининг етакчи мутахассиси Ким Рита шундай дейди:

— Пак Юн билан яқиндан танишган одам яхшилик ва эзгулик, саховат шунчаки фалсафа эмас, балки ҳаёт ҳақиқати эканлигига ишонади. Мурувватли инсон ўзининг сўз ва иш бирлиги, турмуш тарзи билан ҳам барча ёшларга ўрнак.

Жаноб Пак Юн айни кунларда Ўзбекистонда яшаётган корейслар ҳақида китоб ёзмоқчилар. Ўз миллатдошлари бизнинг заминимизда эркин яшаётганлари учун ўзбек халқидан ва республикамиз ҳукуматидан миннатдор. Рисолани "Ҳаёт неки берса, ҳаммасини ол ва ўзинг ҳам ниманг бўлса, охиригача ҳаётга бер" деб номлаганлар.

— Менинг эътиқодим — ҳалол ва пок яшаш, фақат ёшлар билан олдга интилиш эмас, балки, олдинда кетаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга ёрдам бериш, уларга тўғри йўл кўрсатишдан иборатдир, — дейдилар П. К. Юн жаноблари.

Тўмарис АЪЗАМ ЎКТАМ

Таълим

ПЎЛАТ ҚАНОТЛАР

ёхуд Учкўприк халқ таълимидаги масъулият самараси ҳақида сўз

Ўтган хўжалик йили учқўрғонликлар ҳаётига бир талай ижобий ўзгаришлар олиб кирди. Деҳқоннинг заҳматли меҳнати зое кетмади. Мажбуриятлар ошириб бажарилди. Қўл пул кўрди, омборлар донга тўлди. Аҳолини фаол меҳнат билан банд қилишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди. Газ, электр, ичимлик сув таъминотидаги узилишлар деярли барҳам топди. Худди шунингдек, бошқа соҳаларда ҳам кўтаринкилик юзага чиқди...

Туман ҳокими Зокиржон Раҳмонов билан мулоқотимиз шу ҳақда борарди. Бироқ у шундай хулоса ясади: — Лекин барибир, мақтовга арзигулик иш қилиб қўйганимизча йўқ. Қилинадиган ишлар ҳали олдинда тоғ бўлиб турипти..

Ҳоким учун кутилмаган савол бердик:

— Омаднинг калитини сиз нимада, деб изоҳлайсиз?

У бир дам хаёлга толди. Кейин босиқлик билан жавоб қайтарди:

— Омад қидираётган одамнинг пўлат қанотлари бўлсин. Билганим билган, айтганим айтган дейиш билан иш битмайди. Деҳқонга ҳам, мутахассисга ҳам, таяниш, вақти келса ундан ўрганиш керак. Шахсан мани пўлат қанотларим-ана шу одамлар, ана шу кадрлар..

Ҳоким Учкўприкнинг "олтин фонди" ҳисобланмиш етук мутахассислардан, ўз иш соҳасининг чинакам фидойиларидан бирмунчасининг номини фахр билан тилга олди. Улар қаторида ҳокимнинг халқ таълими бўлими бошлиғи Солижон Юлдошев ҳам бор эди.

Бугун ҳеч ким учун сир эмас. Юртимизда қисқагина вақт ичидаёқ халқ таълимига, навқирон авлоднинг таълим-тарбиясига бунчалар кенг кўламда эътибор ва ғамхўрлик ажратилиши жаҳоннинг ҳеч қаерида кўринмаган воқеа.

Педагог кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Таълим тўғрисида қонун, 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида қарор ва шу каби ғоят муҳим ҳужжатларнинг бирин-кетин эълон қилиниб амалга тадбиқ этилаётгани-чи!?

Бугина эмас. Турли соҳаларга йўналтирилган ҳашаматли коллежлар, академик лицейлар, умумтаълим мактаблари қурилиши ва эскиларини қайта реконструкция қилишга уларни энг замонавий ўқув-қурол ашёлари билан жиҳозлашга, таълим-тарбия сифатини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишга, педагог кадрларнинг турмуш фаровонлигини оширишга давлатимиз томонидан кенг кўламда маблағлар ажратилаётгани..

Кўпчилик учун беш қўлдек аён юқоридаги эътирофларга беҳуда тўхталмадик ҳозир. Негаки, давлат томонидан барчага бир хил шароит, бир хил имконият ва имтиёзлар муҳайё қилиб берилгани билан ҳамма жойда ҳам иш кўнгилдагидек йўлга қўйилмаганлигининг гувоҳи бўлиб қоламиз баъзан, шундай эмасми? Турган гапки, бу ўринда ишга бош бўлган раҳбар кадрнинг ташкилотчилик қобилияти, қатъиятлилиги ва талабчанлиги, зиммадаги масъулиятни қанчалик ҳис этишга ҳам жуда кўп нарса боғлиқ бўлиб чиқади...

Учкўприк тумани халқ таълими фаолиятини бугун бежиз қаламга олаётганимиз йўқ. Фарғона вилоятидагина эмас, ҳатто Республика миқёсида ҳам ибратбахш бир қатор кўрсаткичлари билан ажралиб туради десак, муболаға бўлмас. Фикримизнинг исботи учун далиллар келтирайлик:

туманда 53 та умумтаълим мактаби бўлиб, уларнинг 40 таси (!) янги ва 13 таси мослаштирилган замонавий биноларда қайноқ фаолият юритмоқда. Бу атрофда фалон мактаб "эътибордан четда қолган" ёхуд "қийинроқ шароитда ишлаяпти" деган гапларга асло ўрин йўқ. Бугун учкўприкликларнинг 50 минг нафарга яқин фарзандлари давр талаблари даражасидаги қулай ҳамда замонавий ўқув-куроллари билан жиҳозланган синф хоналарида таълим-тарбия олишяпти. Бу билимгоҳларда ишлаётган 2708 нафар педагогнинг 80 фоизга яқини олий тоифали, юксак малакали ўқитувчилардан иборат бўлиб, бошқалари улар сафини тўлдириб бораётган иқтидорли ёш педагоглар эканлигининг ўзи ҳам қувонарли ҳолдир.

Шу ўринда учкўприкликларга хос яхши бир фазилат ёинки анъана устида тўхталиб ўтайлик. Аввало, туман ҳокими бошқа баъзи бир ҳокимларга ўхшаб нуқул қишлоқ хўжалиги муаммолари билан қолувчилардан эмас. Қайси бир қишлоқ мактаби ёки касалхонасими, чойхонаси ёки бозори борми, ҳаммаси унинг диққат-эътиборида туради. Бирон бир жойда камчилик ёки ёрдамга муҳтожлик сезилдими, бас, зудлик билан ҳомийлик ва ҳашар ишлари бошлаб юборилади. Масалан, дейлик, фалон мактаб қурилиши ёки жорий таъмири қачон дастурга киритиларкан, қачон молиявий маблағ ўтказаркан, деб кутиб туриш йўқ. Ўтган йилнинг ўзидаёқ туманнинг Суюнчол, Яккатут, Капақўчқор, Пиртак, Султон ва Кўчқор қишлоқларидаги бир қатор мактабларда давлат томонидан амалга оширилган кенг кўламли қурилиш ишларида ҳомийлар ва ҳашарчиларнинг ҳам ҳиссаси жуда катта бўлди. Таълим-тарбия сифатига тўхталайлик. Туманнинг қайси бир умумтаълим мактабида бўлманг, синф хоналарида ўқувчилар давоматининг тўлиқлиги, дарсларнинг интенсив ва амалий машғулотлар воситасида олиб борилишини таъминланганлигини, жисмоний тарбия ва спорт машғулотларидан тортиб меҳнат дарсларигача барчасининг талаб даражасида йўлга қўйилганининг гувоҳи бўласиз.

Якунланган ўқув йилида 11-синфни тугаллаган ўқувчилардан 505 нафари (!) Республикамизнинг турли шаҳарларидаги олий ўқув юртларига қабул қилингани, 9-синфни битирган 3710 нафар ўқувчининг деярли ярми коллежлар ва академик лицейларга, қолганлари эса тўлиқ ҳолда 10-синфларга жалб этилганининг ўзиёқ иш рисоладагидек йўлга қўйилганини кўрсатиб турибди.

Вилоят ва Республика миқёсидаги олимпиадалар, кўрик танловлар ҳамда мусобақаларда учкўприкликлар ҳақли равишда фахрланса арзийдиган кўрсаткичларга эришиб келаётир. Масалан, 2005 йилда вилоят олимпиадасида қатнашган ўқувчилардан 10 нафари биринчи-учинчи ўринларни эгаллашган бўлса, 2-ихтисослашган мактаб-интернат ўқувчиси Фарход Акрамов "Инсон ва шахс" фанидан Республика олимпиадасида иккинчи ўринга муносиб деб топилди.

Туман маҳаллаларида спортнинг оммавийлигини ошириб бориш мақсадида "Маҳалла болалари" ва "Футболимиз келажаги" мусобақалари изчил ўтказилиб турилади. 13-14 ёшлар ўртасида яқинда Жиззах вилоятида ўтказилган "Маҳалла болалари" Республика мусобақасида Учкўприк туман жамоаси биринчи ўринни ишғол этди. Республика халқ таълими вазирлигининг 2005-2006 ўқув йилини "Таълим муассасалари, оила, маҳалла ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш ўқув йили" деб эълон қилиниши тўғрисидаги" буйруғига кўра, бу борада аниқ чора-тадбирлар амалга тадбиқ этилаётгани яхши натижалар бермоқда. Масалан, мактабларда ўқувчиларнинг сабабсиз дарсдан қолиш ёинки туманда ўқувчи-ёшлар томонидан содир этилувчи қонунбузарлик ҳолатларининг деярли барҳам топаётгани ҳам ана шу самараларнинг бир кўринишидир.

Маълумки, ҳар қандай бола ёхуд ўсмирнинг дунёқараши, тафаккури, борлиққа муносабати, диди ва маданияти асосан мактабда шаклланади, демакки, унинг зуваласи шу ерда етилади. Бу, ўз ўрнида, мактаб зиммасига, ўқитувчи зиммасига ғоят катта масъулият юклаб туради. Педагог-тарбиячи сифатида сенга ишониб топширилган бурчни қанчалик оқилона ва ҳалол бажариб берсанг, нур устига аъло нур. Бироқ лоқайдликка йўл қўйсак, хўжакўрсинга ишлаб кун кўргудек бўлсак, бу сенинг келажакка қилган хиёнатингидир. Бола, ўзи ўқиётган мактабдан асло безимаслиги, уни муқаддас даргоҳ билиб ҳис қилиши, ўқитувчининг юриш-туришидан, кийиниш ва сўзлашиш маданиятидан ибрат топиши, унинг сабоқларидан етарли озиқ ва завқ олиши шарт. Халқ таълими бўлими бошлиғи Солижон Юлдошевнинг ҳар бир педагог ходимдан ҳар қадамдаги асосий талаби ана шундан иборат... Шу боис ҳам туман умумтаълим мактабларидаги ўзига хос салоҳиятдан, педагог кадрларнинг маданияти ва билим бериш салоҳиятидан беихтиёр руҳланасиз. Бу, албатта, бизнинг гапимиз, бизнинг таассуротимиз. Бироқ туман халқ таълими тизимидаги ишлар ҳақида мудирнинг ўзидан сўрагудек бўлсангиз, у хокисорлик билан: "Эл қатори... Кўнгил тўлмай турган жойларимиз кам эмас ҳали" дея жавоб қайтаради. Яхши, шу эътирофнинг ўзи ҳам иш қайноқ бораётганидан далолат бериб турибди.

С. ҚАҲҲОРОВ,
"Хуррият" мухбири

®

Огоҳлик

Халқимизда "Ўт балоси, сув балоси, қуруқ туҳмат балосидан ўзинг асра" — деган нақл бор. Баъзан арзимаган эътиборсизлигимиз катта талофатлар олиб келиши мумкинлиги ҳақи- да ўйламаймиз ҳам.

ЎТ БАЛОСИ

86 ёшли Христания Захарини ҳам мана шундай ўз эътиборсизлиги қурбони бўлди. Унинг ёши бир жойга бориб қолганлигига қарамай барча уй юмушларини ўзи бажарар, ҳатто нафақахўр ўғли бўлиб, уни ҳам ёлғиз қолдирмас эди. Ўша мудҳиш воқеа содир бўлган 21 октябрь куни қария оппоқ сочиқларни йиғиб, кирни қайнатиш мақсадида газ плитасига қўйди-да, 15 дақиқа мизғиб олиш учун диванга чўзилди. Лекин Христания ва унинг 66 ёшли ўғли Павел қайтиб кўзини очмади. Улар газ плитаси устида қолиб кетган тоғорадаги кир қаровсиз қолиб, суви тугаган ва латтадан чиққан заҳарли тутундан димиққанлар.

Бепарволик катта талофатларга олиб келишини ҳар биримиз тушунишимиз лозим. Оддий техник қоидаларга риоя қилмаслик — тинчлик-осойишталик, энг қадрли ва муқаддас оила, ширин фарзанд ва яқинлардан жудо бўлиш ёки бир умрга ногиронга айланиб қолишга олиб келиши мумкин.

Кунлар совуши билан аксарият аҳоли хоналарни иситиш мақсадида газ ва электр асбобларидан фойдаланади. Орамизда носоз ёки қўлбола электр ва газ мосламаларини ишлатиш оқибатида қурбон бўлганлар ҳам бор. 2005 йил 31 октябрь куни соат 22^{40} да Шайхонтоҳур тумани А. Ходжаев кўчаси 7-уй 64-хонадонда ёнғин содир бўлди. Ёнғин натижасида 12 кв. метр майдон ёниб кулга айланди. Ёнғинни ўчириш вақтида хонадон эгаси фуқаро К. С. Каримов алангадан юзининг 20 фоизи куйиб тан жароҳати олган.

Ёнғин содир бўлган жойни кўздан кечириш чоғида ёнғин хонанинг ётоқхонасида электр иситиш мосламаси қаровсиз қолдириш оқибатида содир бўлгани маълум бўлди.

Бундай талофотлар бўлмаслиги, уйингиздан офат балоси чиқмаслиги учун газ ва электр асбобларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишингизни сўраймиз.

Бахтиёр ПЎЛАТОВ,
Шайхонтоҳур тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори, капитан

Эҳтиром

Ахбор Имомхўжаев... Бу кишини танимаган, у ҳақида эшитмаган юртдошимиз топилмаса керак. Ахбор Имомхўжаевнинг футбол шарҳлари ўзини футбол мухлисиман, деб санаган ҳар бир ўзбек учун қадрли. "Пахтакор" жамоасининг ўша собиқ Иттифоқ пайтидаги шиддатли ўйинлари, машъум 1979 йил воқеалари, Муборак Истиқлолга эришгандан сўнг миллий чемпионатимиз баҳслари, терма жамоа иштирокидаги учрашувлар... Буларнинг барчаси Ахбор Имомхўжаевнинг ширали овози талқинида ўзбек халқига янада теранроқ етиб борган, уларни футбол аталмиш гўзал ўйиннинг унутилмас дамларига маҳкамроқ боғлаган. Албатта, сўнгги йилларда Ахбор ака ойнаи жаҳонда футбол учрашувларини шарҳламай қўйган бўлса-да, ҳамон унингдек ширали овоз соҳибини кўрганимиз йўқ. Ўзбек футболи фидоийси, спорт журналистларининг отахон устози, спорт ва жисмоний тарбия соҳаси жонкуяри Ахбор Имомхўжаев 19 феврал куни 70 ёшга тўлдилар.

ОҒРИНГАН ТЎП ОҲАНГИ

Шу давр мобайнида Ахбор ака ғоят самарали ҳамда серқирра фаолият юритди ва юритмоқдалар. Болалигидан футболга меҳри баланд бўлган Ахбор аканинг шарҳловчиликка қизиқиши ва бу борадаги истеъдоди юқори эди. Ёшлик йилларида Тошкентнинг ОДО (Сўнгра "Спартак") деб номланган футбол жамоаси ўйинларига боришни канда қилмасди. Пойтахтда янги "Пахтакор" стадионининг қурилиши ҳамда "Пахтакор" футбол клубининг ташкил топиши кўпчилик ҳамюртларимиз қатори Ахбор аканинг ҳам ҳаётида муҳим аҳамият касб этди. Ёш шарҳловчи жамоа ўйинларини дастлаб радиода, сўнгра ойнаи жаҳонда шарҳлай бошлади. Айниқса, "Пахтакор"нинг мамлакат чемпионати олий лигасига чиқиши Ахбор акадан жамоа ўйинларини халққа равон ва тушунарли қилиб етказиб бериш масъулиятини юкларди.

Ахбор Имомхўжаевнинг футболга бўлган меҳри уни Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия институтида таҳсил олишга ундади. Институтни имтиёзли диплом билан тугатган қаҳрамонимиз мактабларда дарс бериш билан бирга футбол учрашувларида ҳакамлик ҳам қила бошлади. Шунингдек, ЎзДЖТИда футбол кафедраси катта ўқитувчиси ҳам бўлиб ишлади. Ахбор аканинг меҳнат фаолиятига назар ташласак, "Пахтакор" Республика спорт жамияти уюшмасида бўлим бошлиғи, "Спорт" ва "Ўзбекистон футболи" газеталарида бўлим мудири, "Пахтакор" футбол клубида жамоа бошлиғи, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-текшириш институтида илмий ходим, Ўзбекистон футбол федерациясида етакчи мутахассис, Ўзбекистон телевидениеси спорт кўрсатувлари Бош муҳаррири лавозимларида ишлаган. Ўз касбига меҳр ва ҳалоллик билан ёндашуви сабаб эл-юрт ҳурматини, олқишини қозонган. Айни чоғда эса "Наврўз" радиосида спорт шарҳловчиси бўлиб ишлаб келмоқда.

ҲАТТО ТЎПНИНГ ЖОНИ ОҒРИЙДИ

Дарвоқе, Ахбор аканинг тўғрисўз ва ҳалоллигини алоҳида таъкидлаш лозим. У киши илгари ҳам, ҳозир ҳам спортда, футбол учрашувларида ҳалоллик бўлиши учун қайғуради. "Келишилган ўйинлар сабаб баъзан футболдан кўнглим совийди. Ўйиндан олдин қайси жамоанинг ютишини ва ҳатто кимлар гол уришини билиш мухлисни футболдан бездиради", дейди у.

— Бу каби иллатлар, ўйинни сотиб олишга уринишлар ҳақида кўп эшитамиз. Сиз ҳакамлик қилган пайтларда ҳам шахсан сизга бу каби таклифлар бўлганми?

— Нафақат пул таклиф қилишарди, ҳатто кўркитишлар ҳам бўларди. Бироқ бунга эътибор бермай ҳакамлик қилаверардим. Масалан, бир воқеани гапириб берай. Озарбайжоннинг Сумгаит шаҳрида Озарбайжон ва Арманистон республикалари жамоалари собиқ Иттифоқ чемпионати 2-лига учрашувини ўтказиши лозим эди. Мен бош ҳакам қилиб белгиланганман. Ўйиндан олдин мезбонлар бош мураббийси келиб, "Бизга ёрдам беринг, жамоамиз бугун ютиши керак. Сизни ҳам хурсанд қиламиз", қабилида гап очди. Мен унинг таклифига кўнмадим. "Сизга бир ёрдам кўрсатишим мумкин. У ҳам бўлса, ўйинда ҳеч кимга ён босмай, ҳалол ҳакамлик қиламан", дедим. Ушбу ўйинда мезбонлар жамоаси ўз кучи билан ғалаба қозонди. Ўйиндан сўнг озарбайжонликлар устозининг мени қучоқлаб, раҳмат айтгани ёдимда...

Дарҳақиқат, Ахбор ака доимо, қандай ишда ишламасин, футбол билан бирга, аммо ғирромликни ёқтирмайди.

Етмиш йилки, удир футбол мухлиси,
Етмиш йилки, "жони" копток ичида!
Дер: "Тўғри ўйнасанг, тўп шод бўлгуси,
Оғрир жони "номард оёқлар тегса"!

НЕГА ҲОЗИР ШАРҲЛАМАЯПСИЗ?

Энди Ахбор ака ҳақидаги мухлислар сўзига қулоқ осайлик.

Рустам Нурмуҳаммедов, ашаддий футбол ишқибози: — Ахбор акани жуда яхши кўраман. У кишининг футбол шарҳларини бошқаларникидан фарқли томони, овози томошабиннинг юрагига етиб боради. Ҳеч қандай жамоага ён босиш кузатилмайди. Воқеаларга холис баҳо берадилар.

2006 йилги мавсумимиз Ўзбекистон-Бангладеш терма жамоалари баҳси билан бошланаётгани ва бу футбол байрамининг Ахбор аканинг юбилей тўйларига уланиб кетганига катта маъно бордай. Ўйлаймизки, қўшалоқ байрамлар билан бошланаётган янги футбол мавсуми ўзбек футбол ишқибозларига омадли келади.

Ахбор акани жуда яхши кўраман. Ўтган йил қизимни чиқараётганимда Ахбор акани ҳам тўйга таклиф этгандим. Мендай оддий бир мухлиснинг таклифини инобатга олиб, тўйга келганликларидан бошим осмонга етди. Фурсатдан фойдаланиб, бутун ўзбек футбол ишқибозлари номидан у кишини қутлуғ етмиш ёшлари билан табриклайман. Ахир у кишининг шарҳларини соғинганмиз. Ҳеч бўлмаса, Ўзбекистон терма жамоасининг энг асосий ўйинларини шарҳлаб турсинлар.

Саидғани Валиев, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий Кенгаши етакчи мутахассиси:

— Ахбор ака бизнинг устозимиз саналади. Касбим тақозосига кўра у киши билан кўп спорт мусобақаларида бирга бўлганмиз. Ахбор аканинг бирор йирик мусобақани шарҳлашини кўрганда, ҳайратим ошади. Масалан, эркин курашдан "Гран-При" турнирини олайлик. Уч кун барча мусобақа тафсилотларини йиғилганларга шундай равон етказиб бердиларки, фақат маза қилади, киши. Ахбор ака барчани бирдек кўради, ҳеч бир спорт журналистидан сўраган ёрдамини аямайди.

У кишининг ўзбек футболи фахрийлари аҳволидан хабар олиб туриши, ўтиб кетган фидоийларнинг хотира тадбирларида, мусобақаларида бош-қош бўлиши, "Пахтакор-79" турнирининг юқори даражада ўтишига беминнат ҳиссасини қўшиши одатий ҳолга айланган. Барча шогирдлари номидан юбилей 70 ёшлари билан табриклаб, 100 ёшга киришларини тилаб қоламиз.

"ОТ ИЗИНИ ТОЙ БОСАР"

Ахбор ака ҳақида ким билан гаплашмайлик, юқоридаги ҳамсуҳбатларимиз каби илиқ фикрларни билдиришади. У кишининг фарзандлари ҳам отаси каби эл хизматидаги инсон бўлиб камолга етишганига тўхталишади.

Дарҳақиқат, Аброр ва Зафар Имомхўжаевлар ҳам ота изидан боришган. Иккаласи ҳам болалигидан футбол машғулотларига қатнаган. Аброр Имомхўжаев тажрибали мураббий Аҳрор Иноятовдан, Зафар эса Раҳим Мўминовдан футбол сирларини ўрганишган. Ҳозирда иккалалари ҳам моҳир спорт журналистлари саналишади. Айни чоғда Аброр ака "Назрўз" радиосида Бош муҳаррир, Зафар Имомхўжаев эса Ўзбекистон телевидениесида спорт шарҳловчиси бўлиб ишламоқда. Ахбор аканинг набиралари ҳам ота-боболари каби спортга меҳр қўйишди. Диёр, Дониёр Имомхўжаевлар тенгқурлари орасида Тошкент шаҳар чемпионлари саналишади. Шаҳриёр ҳам футбол машқларига қатнамоқда. Яна бир набираси Беҳзод эса каратэ бўйича Марказий Осиё биринчилигида ғолибликка эришган.

АХБОР АКА ВА МИРЖАЛОЛ

Ахбор аканинг футболга қўшган ҳиссаларидан яна бири, у киши ёзган китобларидир. "Футбол — қувончим, дардим, фахрим", "Мафтунингман, футбол" китоблари футболсевар ҳамюртларимиз орасида қўлмақўл бўлиб ўқилгани сир эмас. Китобларда ўзбек футболи тарихи, бош жамоамиз — "Пахтакор" клубининг энг қувончли ва ташвишли кунлари, учрашувлари реал воқеалар билан бойитилган тарзда талқин қилинган. Муборак Истиқлолга эришгач эса ўта бошлаган миллий чемпионатимиз ва кубок баҳслари, терма жамоамиз ўтказган халқаро ўйинлар тафсилотлари ўқувчи учун бой "архив" бўлиб ҳам хизмат қилиши аниқ.



Шу кунларда футболимиз юлдузи Миржалол Қосимовнинг ҳаёт йўли батафсил ҳикоя қилинган "Ўзбегимнинг Миржалоли" китоби нашрдан чиқишга шай турибди. Маълумки, футболимиз юлдузи бу йил футболчилик фаолиятини якунлади.

Айтганча, шу кунларда Ахбор Имомхўжаевнинг "Ўзбегимнинг Миржалоли" китоби асосида ҳужжатли фильм (тасвирчи Алишер Аҳмедов) суратга олинмоқда. Сценарий муаллифи ҳамда бошловчи Ахбор ака Имомхўжаев.

МУСТАҚИЛЛИК — БУЮК НЕЪМАТ!

Ахбор ака биз ёшлардан юртимизда амалга оширилаётган ишлар, спортга берилаётган катта эътиборнинг қадрига етишимизни сўрайди. "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" каби Республика миқёсидаги спорт мусобақалари нафақат аҳоли саломатлиги учун, балки, янгидан-янги чемпионлар тайёрлашга хизмат қилишига ишонади. Қурилаётган замонавий спорт иншоотлари болалар билан гавжум бўлишини, бу ерда "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ёки "Универисиада" мусобақалари ўтгандан кейин ҳам иншоотлар эътибордан қолиб кетмаслигини истайди. Спортчиларимизнинг Мустақиллик сабаб жаҳон чемпионатлари, олимпиадаларда қатнашаётганидан, у ердан ғолиб ва совриндор бўлиб қайтаётганидан хурсандлигини яширмайди:

— Собиқ Иттифоқ даврида юртимиз спортчиларига нисбатан чегаралашлар кўп бўларди. Масалан, ҳамюртимиз Эркин Каримов оғир атлетикадан жаҳон рекордчиси бўлсада, мусобақаларга Шанидзе, боксчимиз Руфат Рисқиев жаҳон чемпиони бўлса-да, Олимпиадага Лемешев борарди. Шукрки, Истиқлол туфайли бу каби ноҳақликлар барҳам топди. Халқаро мусобақаларда Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилганини, ҳамюртинг кўксида медаллар жилва қилаётганини кўриш нақадар бахтли лаҳзалардир!

Барча журналистлар ва спортчилар жамоаси, Ахбор аканинг шогирдлари ва спорт ишқибозлари номидан у кишини қутлуғ 70 ёшлари билан табриклаймиз. Мустаҳкам соғлиқ, эл хизматида ҳеч қачон чарчамаслигини тилаб қоламиз.

Шогирдлар таъзимда, эл айтар таҳсин,
Толмангиз футболнинг мадҳида деймиз!
Қутлаймиз, етмиш ёш муборак бўлсин,
Доимо соғ бўлинг, суханвар, азиз!

Акмал АБДИЕВ

Нашр

ГАЗЕТА — ШИФОХОНА

Қийғос очилган мойчечак. Унда асалари қўниб турибди. Гулдан шира олаётган бўлса керак. Ҳаммамиз севиб истеъмол қиладиган асалнинг ўзи минг дардга даво. Агар у шифобахш бўлган мойчечакдан олинса, устига устак...

Юқорида тасвирланган сурат "Шифо инфо" газетасининг рамзи ҳисобланади. Кўриниб турибдики, газета сиҳат-саломатлик ҳақида. Нашр ихтисослик йўналишига эга эканлигининг ўзиёқ ўқувчи эътиборини тортади. Тўғри-да, матбуотимизда умумий қиёфа, умумий мавзулар мавсуми кечаётган бир пайтда "Шифо инфо"нинг чоп этила бошлагани ўзига хос ютуқ.

- Ракка қарши парҳез
- Буйрак ҳақида ўн ўгит
- Эрлик кушандаси бўлган тагликлар
- Шифокор маслаҳати: оғиз ҳидланганда
- Фарзандкушлик ёхуд "қотилим онажоним"...

Бош саҳифада шу каби мавзуларни ўқир экансиз, беихтиёр газетани варақлашга тутинасиз. Аввал бошданоқ нашрнинг қамрови кенглиги яққол сезилади. Газетанинг ўттиз иккита саҳифасида медицинанинг ютуқлари ва муаммолари, халқ табобати, соҳага доир диний ўгитлар, миллий анъаналаримизнинг фойдали ва зарарли томонлари ва шу каби мавзулар ҳақида мақолалар жамланган. Бундан ташқари "Дунёдан дараклар", "Ҳовлингиздаги дорихона", "Газетхон маслаҳат беради", "Сизнинг ҳуқуқингиз" сингари рукнларда ҳам газетхонларни бефарқ қолдирмайдиган материаллар ўрин олган. "Шифо инфо"нинг ҳар бир сонидан жой оладиган "газета ичидаги китобча" бугуннинг долзарб муаммоларидан бирига бағишланади. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, газета тили илмий оммабоп услубда, мураккаб илмий тушунчалар ҳам оддий сўзлар билан тушунтирилиб берилади. Шунинг учун ҳам ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлмаса-да, газета ўзининг доимий мухлисларини топди. Уларнинг сони тобора ошиб бормоқда...

"Шифо инфо" газетаси ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин бу таърифу тавсифлар, халқона нақл билан айтганда, "шўрвасининг шўрваси"дан нарига ўтолмайди. Яхшиси, газетани ўзингиз ўқинг.

Фаррух ЖАББОРОВ

Танишув

ҲАВАС

Кимларгадир қиламан ҳавас —
Ҳаётидан нолимас ҳеч ким.
Қайлардандир келади бир сас:
"Сенга ўзи яна нима кам?.."

Кимларгадир қиламан ҳавас —
Севиб яшар, севилиб яшар.
Қайлардандир келади бир сас:
"Ёлғизлигинг сенга ярашар..."

Кимларгадир қиламан ҳавас —
Чеҳрасида табассум мудом.
Тағин менга шивирлар ул сас:
"Кулгуларинг топган интиҳо..."

Кимларгадир қиламан ҳавас —
Улар мудом ёлғиз яшашар.
Қулоғимга шивирлар бир сас:
"Сукунатга интилар башар..."

Ҳа, мен фақат қиламан ҳавас,
Не бахт, ҳасад ёнмас дилимда.
Тушларимда шивирлар бир сас:
"Ҳасад билан етмайсан бахтга".

Шаҳноза ШАРИПОВА

Мулоҳаза

"Ёшлик — бетакрор фасл", дейишади. "Ёшликдаги ҳар бир лаҳзанинг қадрига етинг", дея панд-насиҳат қилишади ота-оналаримиз. Дарҳақиқат, ёшликнинг ғайрати ва шижоати, салоҳияти-ю, имкониятларини ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди. Шу сабабли биз ёшлардан катталарнинг умиди катта.

ФАОЛЛИК

Ёшларга хос хислатга айлансин

Маълумотларга қараганда, мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизга яқинини 30 ёшга кирганлар ташкил этар экан. Демак, мамлакатимиз ёшлар диёри, янги-янги имконият ва илмий изланишлар Ватани.Шулар ҳақида ўйларканман, баъзан бир савол қийнайди. Биз — ёшлар ана шу рақамлар ортидаги моҳиятни англай олаяпмизми? Ўзбекистонимизнинг орзу-умидлари рўёбга чиқишида қанчалик ҳисса қўшаяпмиз? Афсуски, ҳар доим ҳам бу саволга ижобий жавоб бера олмаймиз. Сабаби баъзан тенгдошларимнинг ижтимоий ҳаётга бефарқлиги, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмуни, амалий аҳамияти тўғрисида ўзларининг шахсий фикрига эга эмасликларини кўриб ҳайрон қоламан, ҳатто жаҳлим ҳам чиқади.

Гоҳида ёшларимизнинг ижтимоий, ҳуқуқий билимларини ошириш у ёқда турсин, ҳатто бадиий адабиётларни ҳам ўқимасликлари тўғрисида танқидий мулоҳазаларни эшитишимизга тўғри келади. Бундай фикрни билдираётганларнинг эътирозлари юз фоиз ҳақ, демоқчи эмасман-у, аммо уларнинг гапи асоссиз дейишга ҳам журъат қилолмаймиз. Сабаби, яқинда бир радиоэшиттириш орқали ёшларимизга "Уруш ва тинчлик" романининг муаллифи Лев Толстойми ёки Михаил Достоевский? — дея савол берилганида, унга нақ ярим соат давомида ҳеч ким жавоб бера олмади. Уни тинглаб турган ота-онамнинг биз ёшлардан ҳафсалалари шу қадар пир бўлдики, уларнинг олдида мен мулзам бўлиб қолдим. Бу билан ўзимни бошқалардан ақллироқман демоқчи эмасман, бироқ айни шундай ҳолатлар биз ёшларнинг маънавиятини кўрсатувчи, биз ҳақимизда муайян фикр уйғотувчи омил эканлигини эътироф этмоқчиман, холос.

Назаримда, ёшларни бадиий адабиётга яқинлаштириш учун нафақат оилавий муҳит, балки ўқув масканларида турли бадиий кечалар уюштириш, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ўтказилиши ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун, аввало, ўқув масканларидаги "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаолиятини жонлантириш зарур.

Биз кўп жиҳатдан ўзимиздан катта авлоднинг маърифий қадриятга айланган жиҳатларни ўрганишимиз, ибрат олишимиз керак. Айтайлик, бизнинг ота-оналаримиз бир пайтлар мактаб ва синфлараро мушоиралар, муайян бир фан ёхуд ёзувчи, шоир ижоди бўйича бадиий беллашувлар ўтказилганлигини кўп гапиришади. Аммо негадир бугунга келиб, ана шундай кечалар деярли эсдан чиқиб кетди. Бугунги кунда аксарият мактабларда ўтказиладиган бирдан-бир адабий тадбир биринчи синфдаги "Алифбе байрами" ёки ўн биринчи синфдаги "Битирув кечаси" бўлиб қолаяпти.

Менимча биз — ёшлар турли ижтимоий, бадиий ва адабий тадбирларни ўтказишда янада фаол бўлмоғимиз керак. Бунинг учун эса ҳаётдан, мамлакатимиз сиёсатидан яхши хабардор бўлишимиз тақозо этилади. Қани эди мактаб ва ўқув масканларидаги "Камолот" ташкилотларида ёшлар маънавияти, билим ва маърифатини юксалтирувчи тадбирлар кўпроқ ўтказилса, турли мавзулардаги кечалар, учрашувлар йўлга қўйилса. Шундагина биз ёшлар ўз имкониятимиз ва салоҳиятимизни янада яққолроқ намоён этишга мушарраф бўлардик. Бу, албатта, биринчи галда ўзимизга боғлиқ.

Зилола РАҲИМБЕКОВА

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фахрий журналист, Ўзбекситонда хизмат кўрсатган маданият ходими **Иса ХЎЖАЕВнинг** вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Замондош

ФОТОМУХБИРНИНГ ОРЗУСИ

ёхуд сирдарёлик фермер Абдураззоқ Ҳотамовнинг суратини ҳалигача ололмаганим хусусида

Касбим тақозоси туфайли дилкаш инсон Абдураззоқ Ҳотамов билан кўп йиллардан бери таниш-билиш ва ака-укамиз. Яқинда акахонимизни йўқлаб Ховос туманининг «Фарҳод» хўжалигига бордим. Бахтга қарши у киши уйида йўқ экан. Оила аъзолари мени илиқ кутиб олишди. Абдураззоқ аканинг йўқлигини билдиришмади. А.Ҳотамов раислик қилаётган «Камолиддин» фермер хўжалигининг иш юритувчиси, ўғли Саидали билан гурунглашиб, чой ичиб ўтирганимизда у: «Уратепалик бир қариндошимиз ҳажга бориб келган экан. Отам ўша ёққа кетди. Худо хоҳласа эртага албатта келади», деди.

Мен эса шу куниёқ ишимни битириб орқага қайтмоқчи эдим. Абдураззоқ акани кутишга тўғри келди. Саидали: «Сизга сурат керак бўлса, мана», дегандек отасининг эсдалик учун тушган суратларини олдимга қўйди. Бирин-кетин кўздан кечирдим. Матбуотда фойдаланишга яроқли бир дона ҳам сурат чиқмади. Кейин Абдураззоқ ака ҳақида мақолалар чоп этилган вилоят газетасининг ўтган йилги сонини қўлимга тутқазди. Қизиқиб ўқидим. Хўжаликнинг ташкил топганидан тортиб у кишининг қачон, қаерда, қандай вазифаларда ишлашигача батафсил ёзилган. Ўтган йилларда фермер хўжалиги ғалла ва пахтачиликдан 112 миллион сўм соф фойда олгани ҳам уқтириб ўтилган. Ҳалол меҳнатлари учун мустақиллигимизнинг 11 йиллиги арафасида Абдураззоқ Ҳотамов «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирлангани ёдимга тушди. Саидали ўртадаги жимликни бузиб, «Бу мақола отамга ёқди, — деди, — ёзиш учун далага келиб, бир пиёла чой ичмай кетган мухбирга раҳмат айтгани отам иккаламиз уйига бордик. Журналистлар жуда меҳмондўст ва сахий бўлишаркан. Бизни қўярда-қўймай меҳмон қилди. Ўз қўли билан ош дамлаб сийлади. Ҳали-ҳали мазаси оғзимдан кетмайди...». Фикр-зикрим Абдураззоқ акани қандай қилиб суратга олиш билан бандлиги учун Саидалининг бошқа гаплари қулоғимга кирмай ухлаб қолдим.

Эрталаб Абдураззоқ ака келгунча, зерикиб қолмаслик учун кўча-кўйларни айлангани чиқдим. Йўллар қалин муз билан қопланган. Автомашиналар оҳиста ҳаракатланмоқда. Йўл четидаги катта каналда тип-тиниқ сув ҳайқириб оқмоқда. Галагала ёввойи ўрдаклар, қашғалдоқлар совуққа парво қилмай сув тубига шўнғиб балиқчаларни тутгач, юзага чиқиб бўйинларини осмонга чўзганча очкўзлик билан ўлжаларини ютмоқда. Бу ажиб манзарадан беҳад завқланиб, ортимга қайтиб келганимни ҳам сезмай қолибман. Бироз вақт ўтгач, Абдураззоқ ака ҳам келиб қолди. Қисқача салом-аликдан кейин мақсадим амалга ошадиган бўлди. «Дамас»га ўтириб далага йўл олдик. Ҳаммаёқ қалин оппоқ қорга бурканган. Одамнинг кўзи қамашади. Йўл четларидаги дов-дарахтлардан, дала бошига тонна-тонналаб тўпланган маҳаллий ўғит уюмларидан бошқа ҳеч нарса кўринмайди. Бош муҳаррир мендан кутаётган «зўр сурат»ни олишдан кўра мен учун велосипедда Тошкентдан Нукусга бориб келиш осондек туюлди. Эрта-индин бу «ижодим»ни таҳририятга олиб борсам, от миниб дала айланиб юрган ҳолатини образли қилиб олмабсиз-да, дейишларини ўзимча тасаввур этдим ва бу менга алам қилди. Унақа эмас бунақасига олсангиз менинг суратим яхши чиқарди, деб қаҳрамон деган сен билан талашиб тортишса-да! Улар эса, мана, мен тайёрман, деб ҳайкалдек қошингда қотиб туриб олишади. Жонини жабборга бериб меҳнат қилган фермер, тадбиркор суратга ҳам қойилмақом тушишни билиш керак-да. Қачонгача фотожурналистларни қийнашади. Ё биз — фотомухбирлар ўтакетган нўноқмиз ёки улар суратга туша олмайдиган каллаварам. Бўлмаса нега газета-журналлар саҳифаларида ўзига жалб этадиган замондошларимизнинг суратлари ярқ этиб кўзга ташланмайди.

Қаҳратон қиш куни жуда қисқа эмасми, биз даладан қайтганимизда қоронғу тушиб қолган эди. Шундай совуқда манзилимга етиб боришга кўзим етмай, мезбонларнинг бугун ҳам ётиб кетинг, деган таклифига рози бўлдим.

Абдураззоқ ака Ҳотамов каттакон ҳашаматли кўп хонали уй-жой ҳам қуриб қўйган экан. Энг замонавий уй жиҳозлари олиб келиб, дид билан жойлаштирибди. Бирбиридан кўркам хоналарни иситишга ҳали улгурмабди. Худо хоҳласа, шу янги уйида ўғилларига, невараларига катта тўй қилиб, кўпдан-кўп ёру биродарларини, юртдошларини меҳмон қилмоқчи. Шунинг учун эллигинчи йилларда қурилган пастаккина, кўримсиз, эски уйида совуқдан чўчиб, печканинг ёнида ётдик. Тез орада уйқумиз келавермагач: «Менинг болалигим шу «Фарҳод» ГЭСи атрофларида ўтган, ука, — деб Абдураззоқ ака гап бошлади, — жуда эрта ота-онамдан айрилиб қолдим. Ҳозиргидек еб-ичиш, кийиниш қаерда дейсиз. Қорнимиз нонга тўядиган кунлар келармикан, деб йиғлардик. Бир куни ГЭСни қўриқлайдиган аскарга махорка олиб бориб автоматининг бир дона ўқини сездирмай олиб қўйдим. Уйга келиб ўқнинг учини ерга тираб икки оёғим билан ёнидан маҳкам қисдимда орқасига ўткир мих қўйиб болға билан ура бошлаган эдим. Бир пайт гумбурлаб отилиб ҳаммаёқ чанг-тўзон бўлиб кетди. Ўзим эса қип-қизил қонга бўялиб қолдим. Бахтимга тезда хабар топиб, одамлар ёрдам берди», дея Абдураззоқ ака қалин кўрпа тагидан оёғини чиқариб, мени ишонтириш учун товонларининг тиртиқ жойларини кўрсатди. «Ўша ўйинқароқ, бебошлик ёшлигимдан эсдалик. Мактабни тугатиб Тошкентдаги ҳисобчилик техникумига ўқишга бир амаллаб йўл пули топиб боришга бордиму қайтай десам чўнтагимда ҳеч вақо йўқ. Мардикорлик қилиб кун кечирдим. Шу орада пахта териш мавсуми бошланиб қолди. Пахта териб роса пул топиб кийим-кечагимни бутлаб олдим. Теримда илғор бўлганим учун мени радиоприёмник билан мукофотлашди. Ўша ернинг ўзидаёқ бу қимматбаҳо матоҳимни техникумимиз жамоасига совға қилиб юбордим. Ҳамма мени яхши кўриб қолди. Ишим юришиб кетди».

Бир пайтлар етимча болакайнинг мурғак қалбида ботирлик, сахийлик каби хислатлар куртак отган бўлса, ҳозир улар юқори нуқтага етганини кўриб юртдошлари қувонишмоқда. А.Ҳотамов ўз ҳисобидан «Зиё» болалар боғчасига, 1-ўрта мактабга, «Фарҳод» хўжалиги ҳудудидаги қишлоқ врачлик пунктига жами бир миллион сўм моддий ёрдам берди. Катта ариққа кўприк қурдирди. Газ ва ичимлик суви қувурларини таъмирлашга ҳиссасини қўшди. «Найман» маҳалласидаги спорт тадбирларига ва кам таъминланган оилаларга моддий кўмак бериб келмоқда.

Яқинда туман раҳбарлари А.Ҳотамовнинг меҳнатсеварлик, саховатпешалик, маърифатпарварлик фазилатларини эътиборга олиб, яна 13,5 гектар ерни у кишининг ихтиёрига берди. Фермернинг ер майдони 83 гектарга етди. Миришкор деҳқон бу йил ҳам мўл-кўл пахта, ғалла олишни кўзлаб турибди.

Эрта туриб йўлга отландим. Абдураззоқ ака мени кузатиб қолди. Гулистонлик ҳамкасбимга ўхшаб менга ҳам омад кулиб боқиб Абдураззоқ ака тўсатдан «Дамас»идами, «Волга»сидами бир этак неваралари билан бизникига бостириб кириб келиб қолса, палов дамлашни эплай олмасам ҳам шаҳар кўчаларини, ҳайвонот боғини, Амир Темур музейини томоша қилдиришни дилимга тугдим.

Газета саҳифаларини офтобдек ёритиб, кўзни қувонтирадиган қаҳрамонимнинг ички дунёси акс этган ҳақиқий самимий суратини яратиш балки ўша куни менга насиб этар, менинг орзуим, эҳтимол ўшанда рўёбга чиқар, деган ўйдан теримга сиғмай хурсанд бўлиб кетдим.

Нурмамат АЛМУРОДОВ

Ўзингни англаб ет! Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-ўй. Тел-факс: 41-49-91. Тел: 135-39-01, 41-52-72

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Газетада чоп этилган мақолалардаги фактлар учун муаллиф жавобгар

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-ўй.

Навбатчи: Ислом СУЛТОНОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 455
Т: 4050
2 3 4 5 6

® — тижорат белгиси.

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.